БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

45-йил чиқиши
№ 84 (12.437)

Сешанба, 9 апрель 1963 йил.

Баҳоси 2 тийин.

Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1963 ЙИЛ 1 МАЙ

ЧАҚИРИҚЛАРИ

1. Яшасин меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни, барча мамлакат ишчиларининг бирлик ва қардошлик Куни — 1 Май!

2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

3. Яшасин халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик!

4. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч КПСС Программасини, партия XXII съезди қарорларини бажаришга қаратилсин! Коммунизм ғалабаси сари, олға!

5. Яшасин улуғ революцион таълимот, бутун дунё меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуроли — марксизм-ленинизм!

6. Ишчилар синфининг ва барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди — қардош коммунистик ва ишчи партияларга оташин салом!

7. Яшасин бутун дунё коммунистлари улуғ армиясининг бузилмас марксча-ленинча бирлиги ва жипслиги!

8. Пролетар интернационализми байроғини баланд кўтарайлик!

9. Барча мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги ҳаракат бирлиги мустаҳкамлансин!

10. Реакция қурбонларига, капитал тутқунларига озодлик!

11. Жаҳон халқлари! Мустамлака қуллигининг шармандали системасини батамом ва узил-кесил тугатиш учун, империалистик қарамликнинг ҳамма формаларига қарши курашингиз!

12. Жаҳон халқлари! Империализмнинг халққа қарши бўлган йиртқичлик моҳиятини фош қилиб ташлангиз! Монополияларнинг зулмига ва милитаризмнинг авж олишига қарши курашни кучайтирингиз!

13. Барча мамлакатларнинг халқлари! Хушёр бўлингиз, уруш оловини ёқувчи империалистларни фош қилингиз! Мустаҳкам ва бузилмас тинчликни таъминлаш учун активроқ курашингиз!

14. Барча мамлакатларнинг халқлари! Еппасига ва батамом қуролсизланиш учун қатъият билан курашингиз!

15. Барча мамлакатларнинг халқлари! Германия сулҳ шартномасини тузишни ва Ғарбий Берлинни демилитаризация қилинган эркин шаҳарга айлантиришни талаб этингиз!

16. Яшасин халқаро ишчилар синфининг фарзанди, социализм ва коммунизм йўлидан бораётган озод, суверен халқларнинг қудратли ҳамдўстлиги бўлган жаҳон социалистик системаси!

17. Социализм қураётган Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин Совет Иттифоқи билан Хитой улуғ халқлари ўртасидаги абадий бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

18. Социализм қураётган Албания Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва албан халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

19. Социализм қураётган Болгария Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва болгар халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

20. Социализм қураётган Венгрия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва венгер халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

21. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Вьетнам Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва вьетнам халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

22. Социализм қураётган Германия Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва герман халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

Яшасин Германия Демократик Республикаси!

23. Социализм қураётган, ўз мамлакатини демократик негизларда тинч йўл билан бирлаштириш учун курашаётган Корея Халқ Демократик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва корейс халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

24. Социализм қураётган, ўз ватанининг озодлигини ва мустақиллигини Америка империалистларининг агрессив ҳамлаларидан қаттиқ туриб, фидокорона ҳимоя қилаётган Кубанинг қаҳрамон халқига қардошлик саломи! Яшасин совет ва куба халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

25. Социализм қураётган Монголия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва монгол халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

26. Социализм қураётган Польша Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва поляк халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

27. Социализм қураётган Руминия Халқ Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва румин халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

28. Социализм қураётган Чехословакия Социалистик Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Яшасин совет ва чехословак халқлари ўртасидаги абадий, бузилмас дўстлик ва ҳамкорлик!

29. Югославия Социалистик Федератив Республикаси меҳнаткашларига қардошлик саломи! Совет ва югослав халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги тинчлик ва социализм учун кураш манфаатлари йўлида ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

30. Улуғ ҳинд халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Ҳиндистон халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

31. Улуғ индонез халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Индонезия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

32. Бетараф, мустақил ва демократик Лаос барпо қилиш йўлига тушиб олган лаос халқига қизғин салом!

33. Тинчлик ва ўз мамлакатларининг миллий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Бирма, Цейлон, Камбоджа халқларига қизғин салом!

34. Афғон халқига қизғин салом! Совет Иттифоқи ва Афғонистон халқлари ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик муносабатлари мустаҳкамлансин ва ривожлансин!

35. Мустамлакачиликни батамом тугатиш ва ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган араб мамлакатларининг халқларига қизғин салом!

36. Жазоир халқига қизғин салом! Совет ва Жазоир халқлари ўртасидаги дўстлик ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

37. Ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш учун фидокорона курашаётган озод Африка давлатларининг халқларига қизғин салом!

38. Конго давлатининг мустақиллиги ва бирлиги учун курашаётган конго халқига қизғин салом!

39. Империализмга қарши, ўз мамлакатларининг мустақиллигини мустаҳкамлаш учун курашаётган Латин Америкаси халқларига қизғин салом!

40. Бутун дунёда мустаҳкам тинчлик манфаатлари йўлида Англия, Америка Қўшма Штатлари, Франция ва Совет Иттифоқи халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлиги яшасин!

41. Германия Федератив Республикасининг милитаризмга ва фашизмнинг тикланишига қарши курашаётган меҳнаткашларига ва барча прогрессив кучларига қизғин салом!

42. Совет Иттифоқи ва Италия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

43. Яшасин Совет Иттифоқи ва Финляндия Республикаси халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

44. Совет халқи билан Швеция, Норвегия, Дания, Исландия халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

45. Яшасин Совет Иттифоқи ва Австрия халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик!

46. Ўз мамлакатининг тўла мустақиллиги учун, Америка ҳарбий базаларига қарши, тинчлик ва қўшни давлатлар билан дўстлик учун курашаётган япон халқига қизғин салом!

47. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча тинчликсевар ташқи сиёсати!

48. Яшасин ғалабалар билан шуҳрат қозонган шавкатли Совет Қуролли Кучлари!

49. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янги муваффақиятларга эришингиз, ҳар қандай агрессорни тор-мор келтиришга ҳамиша тайёр бўлиб турингиз!

50. Яшасин мамлакатимиздаги ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонларнинг бузилмас иттифоқи!

51. СССР халқларининг бузилмас бирлиги ва қардошларча дўстлиги яшасин ва мустаҳкамлансин!

52. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Бутун куч коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришга қаратилсин!

53. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Умумхалқ социалистик мусобақасини кенгайтиринглар! Етти йиллик бешинчи йили планини муддатидан илгари бажарайлик!

54. Коммунистик меҳнат коллективларига ва зарбдорларига, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

55. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Мамлакатимиз қудратининг ва халқ фаровонлигини янада оширишнинг асоси бўлган социалистик мулкни бутун чоралар билан мустаҳкамлангиз!

56. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Коммунизм қурувчиларнинг: ишламаган-тишламайди деган принципини оғишмай амалга ошириш учун курашингиз!

57. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини зўр бериб оширингиз! Ишлаб чиқаришнинг ички резервларидан энг тўлиқ фойдаланиш учун, маҳсулот сифатини ошириш учун курашингиз!

58. Саноат, қурилиш ва транспорт ходимлари! Комплекс механизация ва автоматлаштиришни амалга оширингиз, фан, техника муваффақиятларини ва илғор тажрибаларни ишлаб чиқаришга дадиллик билан жорий қилингиз!

59. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Давлат маблағларини тежаб-тергаб сарфлашга эришингиз! Хўжасизлик, ортиқча харажатлар ва исрофгарчиликка қарши курашингиз!

60. Саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва транспорт ходимлари! Капитал маблағлардан энг оқилона ва тежаб фойдаланиш учун курашингиз! Ресурсларни ишга тушириладиган энг муҳим қурилишларга сарфлангиз!

61. Совет металлурглари ва кончилари! Руда қазиб чиқаришни, чўян, пўлат, прокат, қувурлар, рангли ва нодир металлар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

62. Совет энергетиклари! Электростанцияларнинг ва электр шохобчаларининг қурувчилари ва монтажчилари! Электр энергия ишлаб чиқариш суръатларини жадаллаштиришни таъминлангиз, энергетика системаларини қуриш ва ишлатиш қимматини пасайтирингиз!

63. Машинасозлик ва асбобсозлик ходимлари! Техника тараққиёти ва ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш учун қунт билан курашингиз! Халқ хўжалигини энг янги машиналар ва асбоблар билан тезроқ таъминлангиз!

64. Нефть ва газ саноати ходимлари! Мамлакатга кўпроқ нефть ва газ берайлик!

65. Совет геологлари! Ватанимизнинг битмас-туганмас бойликларини тезроқ очингиз!

66. Кўмир саноати ходимлари! Кончилик техникасидан энг кўп фойдаланиш учун курашингиз! Кўмирнинг таннархини камайтирингиз ва сифатини яхшиланглиз!

67. Химия саноати ходимлари! Янги қувватларни тезроқ ишга туширингиз ва ўзлаштирингиз! Янги синтетик материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз, минерал ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқаринглиз!

68. Совет бинокорлари! Қурилиш ишларининг суръатларини ва сифатини оширингиз! Пишиқ, кўркам ва тежамли бинолар ва иншоотлар қуринглиз!

69. Бинокорлик материаллари саноати ходимлари! Қурилиш индустриясини ривожлантирингиз! Цемент, янги бинокорлик материаллари ва йиғма конструкциялар ишлаб чиқаришни кўпайтирингиз!

70. Урмон, ёғочсозлик ва қоғоз саноати ходимлари! Мамлакатга юқори сифатли ёғоч, мебель, целлюлоза ва қоғозни кўпроқ берайлик!

71. Енгил саноат ва озиқ-овқат саноати ходимлари! Молларни ва озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни оширингиз, хилларини кўпайтирингиз, сифатини яхшиланглиз!

72. Балиқ саноати ходимлари! Балиқ овлашни кўпайтирингиз, балиқ маҳсулотларининг сифатини яхшиланглиз ва таннархини камайтирингиз!

73. Совет транспорти ходимлари! Транспортни такомиллаштирингиз ва замонавий техника воситалари билан таъминлангиз! Юкларни элтиб бериш муддатларини қисқартирингиз, пассажирларга яхшироқ хизмат кўрсатингиз!

74. Алоқа ходимлари! Алоқа воситаларини ривожлантирингиз ва такомиллаштирингиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшиланглиз!

75. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари! Кўкламги экишни намунали ўтказиш учун, дон, техника экинлари ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш учун умумхалқ мусобақасини кенг авж олдирингиз!

76. Қишлоқ хўжалик ходимлари! Бошқарув янги системасининг афзалликларидан тўлиқ фойдаланингиз! Ташкилотчилик ишини такомиллаштирингиз, ҳамма колхозлар ва совхозларни илғорлар даражасига кўтарингиз!

77. Колхозчилар, совхоз ходимлари, қишлоқ механизаторлари! Механизацияни, фан муваффақиятларини ва илғорлар тажрибасини дадил жорий қилингиз! Техникани зўр бериб ўрганингиз, ундан яхши фойдаланингиз ва уни авайлаб асрангиз!

78. Колхозчилар ва совхоз ходимлари! Жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз, ем-хашак базасини мустаҳкамлангиз! Гўшт, сут, ёғ, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтирингиз!

79. Қўриқ ерларнинг меҳнаткашлари! Деҳқончилик маданиятини ошириш учун курашингиз, жамоат чорвачилигини бутун чоралар билан ривожлантирингиз!

80. Колхозчилар! Колхоз демократиясини ривожлантирингиз! Колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактабидир!

81. Савдо, умумий овқатланиш ва коммунал-маиший хўжалик ходимлари! Аҳолига хизмат кўрсатишда юксак маданият учун курашингиз!

82. Совет муассасаларининг ходимлари! Омма орасида ташкилий ва тарбиявий ишни кучайтирингиз! Бюрократизмни йўқотингиз, меҳнаткашларнинг эҳтиёжларига ва талабларига сезгирлик билан қарангиз!

83. Фан ва олий ўқув юртларининг ходимлари! Фаннинг янада равнақ топиши учун, техника тараққиёти учун курашингиз! Коммунизм даврига муносиб мутахассислар тайёрлаб берингиз!

Илғор совет фанига шон-шарафлар!

84. Ажойиб космик кемаларнинг яратувчилари бўлган совет олимларига, конструкторларига, инженерларига, техникларига ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

85. Адабиёт ва санъат арбоблари! Асарларнинг партиявийлиги ва халқчиллиги, юксак ғоявийлиги ва бадиий маҳорати учун курашингиз! Коммунизм қурувчилар қилаётган қаҳрамонона ишларнинг улуғворлиги ва гўзаллигини, ҳаётимизда янги, коммунистик муносабатларнинг ғалабасини ёрқин акс эттирингиз!

86. Матбуот, радио ва телевидение, нашриётлар ва маданий-оқартув муассасаларининг ходимлари! Партиянинг коммунизм тантанаси учун курашида жанговар ёрдамчилари бўлингиз!

87. Халқ маорифи ходимлари! Болаларни ўқитиш сифатини оширингиз, уларни меҳнатсеварлик, коллективизм, коммунизм ишига садоқат руҳида тарбияланглиз!

88. Медицина ходимлари! Меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни яхшиланглиз. Медицина фанининг энг янги муваффақиятларини практикага жорий қилингиз!

89. Яшасин бизнинг умумхалқ социалистик давлатимиз!

90. Яшасин ҳокимиятнинг чинакам халқ органлари бўлган меҳнаткашлар депутатлари Советлари!

Совет социалистик демократияси ривожлансин ва мустаҳкамлансин!

91. Яшасин совет касаба союзлари — коммунизм мактаби!

92. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив қурувчилари бўлган совет хотин-қизлари!

93. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви бўлган Ленин комсомоли!

94. Йигитлар ва қизлар! Коммунистларча ишлаш ва яшашни қунт билан ўрганингиз!

Яшасин шонли совет ёшлари!

95. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Билимларни қунт билан эгалланглиз, меҳнатни севингиз ва ҳурмат қилингиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрланингиз!

96. Коммунистлар ва комсомоллар! СССРда коммунизм қуриш учун умумхалқ курашининг олдинги сафида бўлингиз!

97. Коммунизмнинг шавкатли қурувчиси, ер юзида тинчлик ва ҳамма халқларнинг бахт-саодати учун мард курашчи улуғ совет халқига шон-шарафлар!

98. Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

99. Яшасин Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи!

100. Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

101. Яшасин Ленин тузган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

102. Яшасин ер юзида ҳамма халқлар учун Тинчлик, Меҳнат, Озодлик, Тенглик, Қардошлик ва Бахт-саодатни барқарор қилувчи коммунизм!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 93 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

УЛУҒ ДОҲИЙГА АТАБ

Ўзбекистон ССР тарихи музейида Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси, жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 93 йиллигига бағишланган виставка очилди. Унда доҳийнинг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи, унинг илҳомбахш идеялари тўла амалга ошаётганлигини, Туркистон халқларига кўрсатган оталарча ғамхўрлигини ифодаловчи экспонатлар қўйилган.

В. И. Ленин партияни тузиш ва уни камолотга етказиш, Россия меҳнаткашларини чоризм зулмидан озод этиб, уларни фаровон социалистик ҳаётга бошлаш учун куч-ғайратини, ақл-идрокини ва бутун ҳаётини бағишлади. Доҳий олиб борган жанговар кураш виставка экспонатларида кенг ёритилган. Ленинчи «Искра» газетасининг ташкил топиши ва бу газетанинг икономистларга қарши олиб борган кураши, доҳийнинг «Нима қилмоқ керак?» деган гениал асари ва «Ташкилий вазифаларимиз ҳақида ўртоқларга хат» китобининг бунёдга келишини кўрсатувчи экспонатлар шулар жумласидандир.

Виставкада В. И. Ленининг мазлум халқларнинг, шу жумладан, Туркистон меҳнаткашларининг тақдири ҳақида нақадар қайғирганлигини кўрсатувчи муҳим ҳужжатлар бор. РСДРП Тошкент группасининг органи «Ташкентский рабочий» газетасининг В. И. Ленинга юборилган 1 сонининг нусхаси ҳам шу ерга қўйилган. Петроград суд палатасининг Тошкент прокурорига юборган мактубининг фотокўчаси ҳам бор. Бу ҳужжатда агар Ульянов пайдо бўлиб қолса, уни дарҳол қамоққа олиш учун ҳамма чоралар кўриш ва ижро ҳақида менга шифрланган телеграмми юборинг, деб талаб қилинган эди.

Социалистик революция ғалаба қилгач, «Улуғ Туркистон» газетасининг 1917 йил 11 ноябрь сонида В. И. Ленининг ер ва сулҳ ҳақидаги Декрети биринчи марта ўзбек тилида босиб чиқарилди. Газетанинг ана шу сони ҳам виставкага қўйилган. Владимир Ильич 1918 йилда Туркистон Халқ Комиссарлари Советига хат ёзиб, Туркистонга ёрдам кўрсатиш юзасидан мумкин бўлган барча чораларни кўришни сўради. Доҳий Туркистонда Давлат университетини таъсис этиш тўғрисидаги, Туркистонда суғориш ишлари учун 50 миллион сўм маблағ ажратиш ҳақидаги тарихий декретларни имзолади. Бу қимматли ҳужжатлар ҳам виставкада ўрин олган.

В. И. Ленин Туркистон ўлкасини бошқариш масаласига ҳам жуда катта эътибор берди. В. И. Ленининг ташаббуси билан 1919 йил 12 февралда Туркистонга 3 кишидан иборат вақтли комиссия юборилди. Бу комиссия ўлкада Халқ Комиссарлар Совети қарор ва декретларининг тўғри амалга оширилишига ёрдам беришни керак эди. Шу комиссия аъзоларига В. И. Ленининг имзоси билан берилган мандатнинг фотонусхаси, унинг Туркистон коммунистларига ёзган мактубининг «Туркистон коммунисти» газетасида босилиб чиққан нусхаси виставкага қўйилган.

В. И. Ленин раҳбарлигида ўтказилган Бутун Россия коммунистик шанбаликлар ва буларда Туркистон темир йўлчиларининг иштироки тасвирланган экспонатлар ҳам диққатга сазовордир. ГОЭЛРО плани асосида қурилган Бўзсув гидро электростанциясининг тасвири яққол кўзга ташланади. Қатор экспонатларда В. И. Ленин идеяларининг мамлакатимизда, шу жумладан совет Ўзбекистонида тўла тантана қилганлиги акс эттирилган. Коммунистик партия раҳбарлигида улуғ рус халқининг оталарча ёрдами билан ўзбек халқи эришган улуғвор ғалабаларни акс эттирувчи кўпгина экспонатлар томошабинлар эътиборини ўзига тортади. Ўзбекистон меҳнаткашлари бундай ғалабаларга улуғ Ленининг илҳомбахш идеялари туфайли эришди.

Музейда «Ленин ва Ўзбекистон» деган темада кўчма виставка ташкил қилиниб, улар корхона ва муассасаларда, колхоз ва совхозларда намойиш қилинаётир. Шунингдек, музейнинг илмий ходимлари меҳнаткашлар ўртасида «Улуғ Ленин номи билан аталган ёдгорлик жойлар» темасида лекциялар ўқимоқдалар.

Н. СОДИҚОВА,
Ўзбекистон ССР тарихи музейининг директори.

„РАҲБАРЛИК ОРБИТАСИ“ДА

Ўқитувчи Н. Омонов бир вақтлар Андижон қишлоқ хўжалик техникумида директор бўлиб ишлар эди. Уни шаҳар ижроия комитети раислигига сайлашди. Бошда у ғайрат билан ишлади, кишилар билан маслаҳатлашди, активлар овозига қулоқ солди. Лекин бу узоқ давом этмади. Тез орада оддий кишиларнинг Омонов ҳузурига кириши муаммо бўлиб қолди.

Бирмунча вақт ўтгач, уни шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайладилар. У яхшигина коммунал квартирада турган бўлса ҳам, ўз мансабидан фойдаланиб ҳашаматли уй қуриб олди. Ўтган йилнинг сентябрида область «Андижанская правда» газетаси «Зўравон» деган фельетон босиб чиқарди. Бу фельетонда 1-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Вайсфельднинг жиноий ишлари очиб ташланди. Вайсфельд бошқарма ишчилари кучи билан бошқарма маблағи ҳисобига Омоновга уй қуриб берган эди.

Фельетонда бошланғич маълумотли Вайсфельд дипломли бинокор-мутахассисларни турли йўллар билан таъқиб қилаётганлиги фош қилинди. Бир ярим йил ичида у касаба союз ташкилотининг розилигисиз қирқ мутахассисни ишдан бўшатиб юборди, атрофига ўзи каби қурилишдан хабарсиз бўлган, социалистик мулкни ўғирлагани учун олдин судланган (ўзи каби) кишиларни тўплаб олди. Фельетон авторлари Вайсфельднинг қўполлиги, зўравонлиги ва бошқа яраамас қилиқлари ҳақида ҳам фактлар келтирилди. Шаҳар прокуратураси фельетонда келтирилган фактларнинг ҳаммаси тўғри эканлигини тасдиқлади ва Вайсфельдни жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан иш бошлади. Шаҳар прокурорининг таклифига мувофиқ шаҳар партия комитети Вайсфельднинг шахсий ишини кўриб чиқмоқчи бўлди. Шуниси ажабланарлики, бюро йиғилишида область газетасининг танқиди тўғрисида бир оғиз ҳам сўз бўлмади. Омонов ўз мавқеидан фойдаланиб, бюро аъзоларига тазйиқ ўтказди ва Вайсфельднинг партия сафида қолиш-қолмаслиги масаласининг йиғилишда ҳал этилмай қолдирилишига эришди.

Андижон область партия комитетининг бюроси матбуотнинг таъсирчанлигини муҳокама қилиб, ўртоқ Омоновга шаҳар партия комитети қарори принципсизлик асосида қабул қилинганлигини ва газета танқидига жавоб бермаслик нотўғри эканлигини кўрсатиб ўтди. Лекин бундан ҳам Н. Омонов тегишли хулоса чиқариб олмади. Фақат республика «Қизил Ўзбекистон» газетасида «Секретарь паноҳида» сарлавҳали мақола босилиб чиққандан сўнггина шаҳар партия комитети Вайсфельднинг партия сафида қолиш-қолмаслиги масаласини кўриб чиқди. Ниҳоят жиноятчи партия сафидан ҳайдалди ва қамоққа олинди.

Омонов бошқа жиноятчи шахсларни ҳам ана шу тарика ҳимоя қилиб келди. «Қизил Ўзбекистон» газетасида ва «Муштум» сатирик журналида шаҳар атрофидаги «Ўзбекистон» колхозининг раиси М. Солиевнинг ахлоқсизлиги ва маиший бузуқлиги, юлғичлиги фош қилинди. Аммо шу қишлоқ хўжалик артели аъзоларининг мажлисида Н. Омонов Солиевнинг хатти-ҳаракатларига принципиал партиявий баҳо бериш ўрнига матбуот танқидини бўғиб, жиноятчининг хатти-ҳаракатларини юмшатишга уринди. У. Солиевнинг яна колхоз раислигига қайта сайланишига эришди.

Область партия комитетининг комиссияси область ва республика газеталарида Н. Омонов тўғри танқид қилинганлигини тасдиқлади ва унинг ишидаги бошқа хато ҳамда камчиликларни ҳам очиб ташлади. Комиссия Н. Омоновнинг хатти-ҳаракатини область партия комитетининг бюросида муҳокама қилишни таклиф этди.

Бироқ шу йил январь ойида бўлиб ўтган шаҳар партия конференциясида ўз обрўсини туширган Омонов шаҳар партия комитети составига сайланмай қолди. Андижон қишлоқ область Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари, қишлоқ область партия комитети бюросининг аъзоси ўртоқ Ашуров ўз дўстини «қутқариб қолиш» мақсадида Омонов учун янги мансаб қидира бошлади. «Сўнгги йилларда раҳбарлик вазифаларида ишлаб келган кишини оддий ишга юбориб бўлмайди-да, ахир», — деб ўйлади у.

Бунинг йўли ҳам топилди. Область қишлоқ маданият бошқармасининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Олий партия мактабини битириб чиққан, ўзининг яхши ташкилотчи эканлигини кўрсатган ёш ўзбек қизи Ўлмасхон Сотивалдиевани ишдан олиб, ўрнига Н. Омоновни тайинлашди. Ҳозир на саноат область партия комитети, на қишлоқ область партия комитети Омонов масаласини ҳал этаётир. Ахир иккита область партия комитети тузилди-да, энди бу иш билан қайси бири шуғуллансин...

Андижон областида бир участкада ишни барбод қилган «номенклатурадаги» ходимни иккинчи участкага, учинчи раҳбарлик вазифасига ўтказиш ҳоллари тез-тез бўлиб туради. Бу — кадрларни танлаш ва тарбиялашнинг нотўғри йўлидир.

Низомжон ҲАКИМОВ.
Республика «Қизил Ўзбекистон» газетасининг мухбири.
Андижон шаҳри.
(«ПРАВДА»дан).

МАРКАЗИЙ ЛЕКТОРИЙДА

Пойтахтимиздаги марказий лекторий шаҳар меҳнаткашларининг севимли жойига айланган. Бу ерга келганлар қизиқарли лекциялар эшитадилар, фан, маданият, санъат арбоблари билан учрашадилар, концерт ва кинофильмларни томоша қиладилар.

Яқин кунларда лекторийда «СССР халқларининг дўстлиги коммунизм қурилишининг буюк кучидир» деган лекция, «Сўранг, жавоб берамиз!», деган кеча, «Сатира ва юмор бугун» деган лекция-концерт уюштирилади.

Лекторийда фанга доир «Келажакнинг учиш аппаратлари», «Келажак космик кемалари», «Энергиянинг янги манбалари» деган лекциялар ҳам ўтказилади. Бу лекциялардан сўнг ана шу темага доир кинофильмлар кўрсатилади.

Ҳ. ҲАСАНОВ.

Сиз кўриб турган суратдаги қизлар — М. Раҳимова ва Л. Лаврова ўртоқлар Тошкент химия-фармацевтика заводининг илғорлари. Ампула цехида ишлаётган бу илғорлар кунига 9.000 ўрнига 11.000 ампула тайёрлаб, аҳолига кўплаб медицина препаратлари етказиб беришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

И. Глауберзон фотоси.

ПЛЕНУМДА ИЛҒОР ИШЧИЛАРНИНГ ДОКЛАДЛАРИ

МАРҒИЛОН. **(«Қизил Ўзбекистон» мухбири).** Шаҳар партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлди. Пленумда ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланиш, илғор методларни кенг оммалаштириш ҳақида Марғилон ипак комбинатининг мастер ёрдамчиси Иван Сухов, тўқувчи, коммунистик меҳнат зарбдори Сайди Ибодуллаева, Марғилон темир йўл станцияси коммунистик меҳнат сменаларининг бошлиғи Маъруф Собиров ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Оддий одамларнинг докладлари пленум қатнашчилари томонидан қизғин кутиб олинди.

И. ТЎХТАСИНОВ.

Аму-Бухоро канали қурилишида экскаваторчи Р. Мугинов ойлик иш нормаларини 180-250 процентдан адо этмоқда. Суратда: дондгор экскаваторчи Р. МУГИНОВ.

М. Ғуломов фотоси.

ТАШКИЛОТЧИ КАДРЛАР—ХЎЖАЛИКЛАРГА

Бошқармамиз хўжаликлари кўп тармоқли бўлиб, улар пахта, дон, гўшт, сут, қоракўл тери, узум, мева етиштириш билан шуғулланади. Лекин дон район экономикасида салмоқли ўрин тутади. Шуни айтиш кифояки, Самарқанд областида етиштириладиган ва харид қилинадиган донинг талай қисмини ва узумнинг 40 процентдан кўпроғини бизнинг хўжаликларимиз беради.

Ўтган хўжалик йили якунланиб, янги марралар белгиланаётган бир пайтда Усть-Лабинск ва Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармаларининг меҳнаткашлари маҳсулот мўл-кўллигини яратиш юзасидан ажойиб ташаббус бошлаб бердилар. Янги зафарларга руҳлантирувчи жанговар чақириқлар бошқармамизнинг ҳар бир кишиси қалбидан чуқур жой олди. Очиқ партия мажлисларида ва меҳнаткашлар йиғилишларида бу ташаббус қизғин қўллаб-қувватланиб, оширилган мажбуриятлар қабул қилинмоқда.

Ички имкониятлар ва резервлардан унумли фойдаланиш кўзда тутилиб, бу йил пахта ва дон етиштиришни анча кўпайтириш, ўтган йилдагига нисбатан гўшт, сут, пиллани бирмунча кўп етиштириш тадбирлари белгиланди. Йил охиригача қорамолларни 31 минг бошга, чўчқаларни 21 минг, қоракўл қўйларни 140 минг бошга ва паррандаларни 100 мингтага етказиш мўлжалланди.

1-«Галлаорол» ва «Бахмал» совхозларининг ишчи ва хизматчилари, қишлоқ хўжалик мутахассислари устьлабинскликлар чақириғига жавобан оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. «Бахмал» совхозининг коллективи (директори О. Абдусатторов, партия комитетининг секретари Я. Абдураҳмонов ўртоқлар) бу йил она-Ватанга 750 минг пуд дон, 825 тонна гўшт, 750 минг дона тухум ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга аҳд қилган.

Бошқарма партия комитети олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш юзасидан бир қанча амалий тадбирлар кўрди. Колхоз ва совхозлар, чорвачилик фермалари, бўлим ва бригадалар ишнинг кўзини биладиган малакали мутахассислар билан мустаҳкамланди. Шу мақсадда хўжаликларда, ферма ва бригадаларда ишлаш учун 46 киши юборилди. Собиқ Ғаллаорол район ижроия комитетининг раиси Ҳайдар Эшқулов Ленин номли колхоз раиси, собиқ Жомбой район ижроия комитети раисининг ўринбосари Маҳбуба Ниёзова «Жомбой» совхози 6-бўлимининг бошқарувчиси, шу район партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Сидельников совхоз директори бўлиб ишлаяпти.

Қолоқ ва кам ҳосилли хўжаликларни илғорлар даражасига етказишга алоҳида эътибор берилмоқда. Илгари таянч-намуна хўжалигига раҳбарлик қилиб келган Нормамат Эсонтурдиев бир неча йилдан бери пахта тайёрлаш планини бажармай келаётган «Октябрь» колхозига бориб ишлаш истагини билдирди. Колхозчилар уни яқдиллик билан правление раислигига сайладилар.

Ўртоқ Эсонтурдиев колхозчилар, ишлаб чиқариш новаторлари билан бамаслаҳат иш кўраётгани туфайли хўжаликда жиддий силжиш бўляпти. Бу ерда кўкламгача тайёргарлик ишлари қучайтириб юборилди. 1750 гектар пахта майдони 30-32 сантиметр чуқурликда ҳайдаб қўйилди. Ариқ-зовурларни қазиш тамомланди, далага 4 минг 300 тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилди. Давлатдан берилган минерал ўғитларнинг ҳаммаси ташиб олинди. Колхозчилар ҳар гектаридан 25 центнердан пахта етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

«Партия XXII съезди» колхози аъзолари янгийўлликлар ташаббусига қўшилиб, бу йил пахта ҳосилдорлигини 8 центнер оширишга отландилар. Чигит экиладиган 1350 гектар ер шудгор олдидан яхшилаб ўғитланди. Ҳар гектарига 350 килограмм суперфосфат ва 4-5 тоннадан маҳаллий ўғит солинди. Ўтган йили планни бажармаган «Москва», «Ленин йўли», «Гулистон», Ленин номли, Карл Маркс номли колхозлар, «Жомбой», «Гулбулоқ», «Красногвардейск» совхозларида ҳам пахта ерлари экишга сифатли тайёрланиб, техника тахт қилиб қўйилмоқда.

Бошқармамиз меҳнаткашлари етти йилликнинг бешинчи йилида она-Ватанга 46 минг 100 тонна пахта, 3460 тонна гўшт, 8 минг 800 тонна сут, 3 минг центнер жун, 1 миллион 830 минг дона тухум, 171 тонна пилла, 7 минг дона қоракўл тери, 8 минг 780 тонна узум ва бошқа деҳқончилик ҳамда чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришга аҳд қилганлар. Бутун ташкилотчилик ва сиёсий-оммавий ишлар ана шу вазифаларни бажаришга қаратилган. Икки мингга яқин пропагандист ва агитаторлар отряди меҳнаткашлар ўртасида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг VI пленуми ва республика пахтакорларининг кенгаши ишлаб чиққан тадбирлар ҳақида суҳбатлар ўтказмоқдалар.

«Биз, — дейилади республика қишлоқ хўжалик ходимлари кенгашида қабул қилинган мажбуриятда, — Ўзбекистоннинг барча қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларига мурожаат қилиб, уларни ўзларининг бутун куч ва билимларини, бутун ижодий ғайратларини олинган мажбуриятларни шараф билан бажаришга ва мамлакатимизда коммунизм қуриш мақсадида олиб борилаётган умумхалқ курашига муносиб ҳисса қўшиш учун сарфлашга чақирамиз».

Бошқармамиз меҳнаткашлари бутун ишни ана шу мажбурият асосида ташкил этиб, коммунистик мўл-кўлчилик яратишга муносиб ҳисса қўшиш учун куч-ғайратларини аямайдилар.

А. МЕЛИЕВ,
Самарқанд область, Булунғур ишлаб чиқариш бошқармаси партия комитетининг секретари.

ПАРТИЯ ХОДИМЛАРИНИНГ СЕМИНАРИ

Ўзбекистон КП Хоразм область Комитети қишлоқда партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишларни яхшилаш мақсадида ишлаб чиқариш бошқармалари партия комитетлари ташкилий бўлим мудирларининг ўринбосарлари, инспектор-партия ташкилотчилари, колхозлар ва «Узсельхозтехника» бўлимлари бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг 3 кунлик семинарини ўтказди.

Семинар қатнашчилари «КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми ва Ўзбекистон КП Марказий Комитети VI пленуми қарорлари муносабати билан область партия ташкилоти олдида турган вазифалар тўғрисида» область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Б. Раҳимовнинг докладини тингладилар. Семинарда «Қишлоқ хўжалик артели Устави ва колхоз демократияси», «Колхоз ишлаб чиқаришига коллектив раҳбарлик қилиш принципларини янада такомиллаштириш», «КПСС Программаси — коммунистик жамият қуриш программаси» деган темаларда лекциялар ўқилди.

Шунингдек, семинар қатнашчилари қишлоқда олиб борилаётган партиявий-ташкилий, партиявий-сиёсий ишлар тўғрисида ўз фикрларини ўртоқлашдилар.

С. ИБРОҲИМОВ.
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ III СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

АЗИЗ, МУЪТАБАР ОНАЛАР

Муаззам хола набираси Тоҳиржонни етаклаб боғчасига олиб боргани қўйи эди азим шаҳарга нур соча бошлаган эди. Катта эшик олдида тўхтаб, дўмбоққина қоракўз набирасини боғрига босди, юзларидан ўпиб хайрлашди-да, ичкарига киритиб юборди. Бола жажжи қўлларини силкитиб югуриб кетди. Муаззам хола енгил нафас олиб орқасига қайтди. Тонги шабада унга аллақандай ором, тетиклик бағишларди. Катта кўчага бурилишда бир нафас тўхтаб, бошидаги рўмолини тузатиброқ ўради, узун қора пальтосининг тугмасини ечиб қўйди. Бир оз иккиланиб тургач, автобус остановкаси томон юрди.

Бир кам олтмиш баҳорни кўрган бўлса ҳам кексаликка ён бермаган, қадди расо, истараси иссиқ бу аёл ҳануз жамоатчилик ишлари билан қизиқади. Қирқ йилдан буён КПСС аъзоси бўлган бу ҳурматли кекса шаҳар хотин-қизлар советининг аъзоси. Бугунги бўш вақтини ҳам одатдагидек фойдали ишларга сарфлаш ниятида шаҳар партия комитетига йўл олди.

Шу куни шаҳар хотин-қизлар совети унга катта топшириқ берди.

— Муаззамхон, опаси ўргулсин, — деди унинг елкасига қоқиб кексa коммунист Елена Самойленко. — Биз Октябрь районидаги Маданият уйида серфарзанд аёлларнинг дам олиш кунини ўтказишга қарор қилдик. Бунинг ташкилий томонига сенга топширамиз, ўзинг тўғрилайсан.

— Ҳўп, жоним билан! — деди Муаззам хола. — Совет қарор қилади-ю, бажармаймизми, ҳозироқ тайёргарликни бошлаб юборамиз.

У ўрнидан туриб телефон трубкасига қўл узатган эди, Елена Самойленко қўлини ушлади.

— Яхшиси бирга борақоламиз. у ердаги актив аёллар билан бамаслаҳат план тузамиз. Кўп болали оналар хурсанд бўлиб қайтадиган бўлсин, — деди у.

... Мана, белгиланган кун ҳам келиб етди. Муаззам холани таниб бўлмайди. Унинг дилида қувонч, лабларида қулгу, кексалигини унутиб, югуриб-елади. Уни ҳали телефон, ҳали буфет олдида, ҳали эшикдан кириб келаётган аёллар билан кўришишга қулоч ёзган ҳолда кўрасиз. Актив қиз-жувонларнинг кўплигини айтмайсизми? Бирлари кўкракларидаги орден ва медалларини ялтиратиб гурас-гурас бўлиб келаётган аёлларни кутиб олиб, ичкарига таклиф этса, бошқалари гўдакларини бериб, ишлаб чиқаришни мукаммал ва аниқ ташкил қилиш мумкин-ку, ахир. Ана шундагина бевосита ишлаб чиқаришда ишлаётган инженерлар бефойда югуриб-югурдан халос бўладилар. Рост ишлаб чиқариш кундалик майда-чуйда ишларсиз бўлмайди. Шунга қарамай, инженер инженерлик қилиши керак, у техниканы тараққий эттириш йўлларини қидириши техника тараққиётининг асосий қурашчиси бўлмоғи лозим. Бу унинг асосий бурчидир.

И. АЛИЕВ,
Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводининг мастери.

ҳаяжонлари ичига сиғмасди. Бир-бирларини қутлашар, «Бу ҳурматлар сенлар туфайли» деб гўдакларини ўпишарди. Ўйин-кулги, хушчақчақлик.

Кечга яқин аёллар шодиёнани уюштирган шаҳар хотин-қизлар совети раҳбарларига ва Октябрь район Маданият уйи ходимларига ташаккур айтиб, бирин-кетин тарқалишди, дилларида севинч-қувончни хонадонларга олиб кетишди. Муаззам хола ҳам дугоналари билан хайрлашиб йўлга чиқди. У жамоат топшириғини ўрнига қўйиб бажарганидан айниқса хурсанд эди. «Одам-одамнинг бахрини очади, деганлари шудир-да» деб қўярди ўз-ўзига.

Муаззам холанинг ўз фарзандларидан кўнгли тўқ. Тўнғичи Адиба Маъзумова тоғ инженери, КПСС аъзоси, ўғли Ўткур Маъзумов ядро физикаси институтида илмий ходим. Мана бу кичик қизи Насиба «Шарқ гули» фабрикасида каштачи. Уларнинг фарзандлари ҳам бувисига азиз.

Муаззам хола набираси билан телевизор кўриб ўтириб. ювқатланди. Тоҳиржонни ухлатиб, сўнг ўрнига ётди, аммо алламаҳалларгача кўзига уйқу қўнмади.

Муаззам онадан етим қолиб хосласи Ҳанифа қўлида катта бўлди. Етимни-етимга қўшамиз, деб уни 1918 йилда 14 ёшида бир йигитга бердилар. Унинг эри Обид Маъзумов янгиликка эргашиб юриб, тезда ўзини ўнглаб олди. Муаззамни ҳам ўқишга, ҳунар олишга ундади. Уни ўз даврининг илғор аёлларидан бири Фотиҳа Хўжаева билан таништирди. Етим қизнинг олдида ёруғ истиқбол порлади. Фотиҳа опа уни хотин-қизлар маорифи институтига бошлаб борди. Муаззам шу ерда дин, шариат, хурофотга қарши бош кўтарган, жоҳил оталари зулматидан қочиб, шу ердан бошпана топган ва бу ерда билим олиб, куч тўплаб хотин-қизларнинг чинакам озодлиги учун катта ҳужумга отланаётган мардонавор аёлларни кўрди. Муаззам шу ерда юқори синфларда ўқиётган Робия Носирова, Ойдин Собирова, Ҳамида Тожиева, Тожи Рустамбекова, Манзура Янгилатова, Хосият Тиллахоновалар билан танишди.

1923 йилда Муаззам Маъзумова КПСС сафига қабул қилинди. Шу йили у эри билан бирга Москвага, КУТВ га ўқишга кетди. Шунда Муаззам биринчи бор улуғ Ленин яшаган азим шаҳарни кўрди. Иқтисодий тенгликка эришмоқ учун завод ва фабрикаларда, қурилиш ва транспортда, энг оғир участкаларда эрлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилаётган, янги ҳаётни ўз қўллари билан қураётган аёллар билан танишди. Шунда у «фақат иктимоий фойдали меҳнатгина аёлларга ҳақиқий озодлик ва иқтисодий тенглик келтирар экан» деган хулосага келди. Москвадан қайтгач, Муаззам Маъзумова Тошкент округ, район партия комитетлари хотин-қизлар шуъбаларида ишлади.

1943 йил... Айни урушнинг қизғин пайтида Муаззам опани ўзи туғилиб ўсган Тошкентдаги «Октябрь» маҳалла комиссиясига раис қилиб сайлашди. Озиқ-овқат танқислиги, ўтин-кўмир ғами, етимларни ўрнаштириш, фронтдагиларнинг оилаларига ёрдам уюштириш... Шундай оғир йилларда шу вазифада Муаззам опа сурункасига 11 йил ишлади. Шахсга сиғиниш ҳукм сурган йиллари уни партия сафидан ўчирганларида ҳам у «Дилимдаги партия билетимни ололмайсиз» деб ишлай берган.

Бугун Муаззам опа буларни ўйламасди. Унинг хаёли ўзи билан бирга ишлаган, ҳозир шахсий пенсионер дугоналари даврасида кезарди. Хотин-қизлар съездида гапиражак сўзларини тахминларди.

«Азиз дугоналарим! Эл бизнинг меҳнатимизни қадрлаб, кексалигимизда ардоқламоқда, шунга жавобан биз ҳам коммунизм қураётган фарзандларимизга қўлимиздан келганча кўмаклашайлик, ёшларга тажрибаларимизни ўргатайлик. Ҳар бир шахсий пенсионер битта маҳалла ёки қишлоқ хотин-қизлар советини оталиққа олсин» деган таклифни киритаман. Шу хулосага келгач, кўнгли таскин топди ва ширин уйқуга кетди.

С. ШАМСИЕВА.

ИНЖЕНЕР МИНБАРИ

БУРЧ

Завод рационализатор ва ихтирочиларининг 1962 йилги иш якуни билан танишар эканмиз, қуйидаги факт чуқур мулоҳазаларга сабаб бўлди. Заводда 1962 йилда 368 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга татбиқ этилган. Бу ишда йигирмага яқин инженер актив қатнашди Тўрт юздан ортиқ инженер-техник ходими бўлган заводда, наҳотки йигирмата ижодкор инженер бўлса? Наҳотки бошқа инженер-техниклар ўз билимларини ишга солмай, йилни изланишсиз ўтказган бўлсалар?

Тўғри, яқиндагина паровозлар ремонти билан шуғулланган завод ишлаб чиқаришни тўхтатмай ўз профилини тамоман ўзгартирганда бу ишга инженер ва техниклар бошчилик қилдилар. Завод тамомила янги техника бўлган тепловозлар ремонтини мукаммал ўзлаштирди. Тепловозлар ремонтида катта-катта, принципиал янгиликлар киритилди. Масалан, бош генератор якорининг юлдузини алмаштириш (бош инженер В. Л. Фальковский, инженер И. Бабичев ва Ю. А. Полянцевлар таклифи), тепловоз деталларини карбонат ангидрид гази муҳитида пайвандлаш (инженер А. И. Ремпель таклифи), инженер М. И. Братчев раҳбарлигида ишга туширилган рекуперацион установка ва бошқалар шулар жумласидандир. Ёки бўлмаса, ёш инженернинг ғайрати тўғрисидаги бошқа бир мисолни олайлик. Москвадаги олий техника билим юртини битириб келган А. Яҳёев заводга келгач, ўз билимини тўла ишга солиб, ишчилар билан ҳамкорликда меҳнат қилди. У ишдан бўш вақтларда ишчилар билан дизелнинг тузилиши ва ремонти ҳақида машғулотлар ўтказди.

Шуни айтиш керакки, ҳамма инженерлар ҳам заводда ўз билимларини тўла-тўкис ишга солмаяптилар. Тепловоз йиғилганидан сўнг синовдан ўтказиш ва депо ходимларига топшириш участкасида оддий машинист А. Пантратов ишларди. Бу ўринга тажрибали инженер, бундан олдин депо бошлиғининг ўринбосари бўлиб ишлаган Н. Вождаев тайинланди. Хўш, тепловозларни синовдан ўтказишда қандай ўзгаришлар рўй берди? Ҳеч қандай. Тепловозлар ҳозир ҳам ремонтда нормадан ортиқ турмоқда. Очиғини айтганда, бу иш билан шуғулланишга Н. Вождаевнинг қўли тегмайди ҳам. У кўпгина майда-чуйда ишлар билан банд. Яна бир мисол. Ёш инженер Қ. Тўлаганов мастер бўлиб ишлаб юрган даврида унинг инженерлик маҳоратини кўрмаган эдик. Мана бир йилдан бери технолог бўлиб ишлаб, ремонт соҳасида яхшигина таклифлар киритмоқда. Демак, инженер-техник ходимларни жой-жойига қўйишда ҳам гап кўп экан.

Заводнинг тайёрлов цехлари асосий цехларга ўз вақтида деталлар етказиб бермаётир. Ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлими аниқ ишламайди. Агар тўрт юз инженер-техник биргалашиб ишга киришса, бу камчиликларга барҳам бериб, ишлаб чиқаришни мукамал ва аниқ ташкил қилиш мумкин-ку, ахир. Ана шундагина бевосита ишлаб чиқаришда ишлаётган инженерлар бефойда югуриб-югурдан халос бўладилар. Рост ишлаб чиқариш кундалик майда-чуйда ишларсиз бўлмайди. Шунга қарамай, инженер инженерлик қилиши керак, у техниканы тараққий эттириш йўлларини қидириши техника тараққиётининг асосий қурашчиси бўлмоғи лозим. Бу унинг асосий бурчидир.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МЕҲНАТКАШЛАРИ! КЎКЛАМГИ ЭКИШНИ НАМУНАЛИ ЎТКАЗИШ УЧУН, ДОН, ТЕХНИКА ЭКИНЛАРИ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШНИ АНЧА КЎПАЙТИРИШ УЧУН УМУМХАЛҚ МУСОБАҚАСИНИ КЕНГ АВЖ ОЛДИРИНГИЗ!

(КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ 1963 ЙИЛ 1 МАЙ ЧАҚИРИҚЛАРИДАН)



ФАРҒОНА ОБЛАСТИ. Киров ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Октябрь 40 йиллиги» совхозида чигит экишга киришилди. Юқоридаги суратда: «Париж коммунаси» бўлимининг трактрочиси Т. МУМИНОВ, сеялкачи И. КАРИМОВ ўртоқлар уруғни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан чигит экмоқдалар.

СИРДАРЁ областидаги 6-совхознинг ўртоқ Ҳ. Қурбонов бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 253 гектар ерга чигит экиб, унинг ҳар гектаридан камида 20 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи. Суратда: совхоз партия комитетининг секретари С. МАМАТҚУЛОВ, бригада бошлиғи Ҳ. ҚУРБОНОВ, бўлим бошқарувчиси Ҳ. ЖУРАЕВ ва бригадир ёрдамчиси Я. ХОЛМУМИНОВ ўртоқлар экиш сифатини текширмоқдалар.

И. Мархаев ва А. Тўраев фотолари.

ЧИГИТ СИФАТЛИ ЭКИЛЯПТИ

ЖУМА, («Қизил Узбекистон» мухбири). Гектаридан 25,8 центнердан ҳосил олиб, давлатга 49 минг 600 тонна пахта сотамиз — Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликларнинг аҳди ана шундай. Улар бу юксак мажбуриятни шараф билан бажариш, чигитни агротехниканинг қулай муддатларида сифатли экишга кўп жиҳатдан боғлиқ эканлигини яхши тушуниб, асосий эътиборни шунга қаратмоқдалар. Шу мақсадда экишни Самарқанд областида биринчи бўлиб бошлаб юбордилар.

* * *

Урта Чирчиқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Умри Ҳасанова бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил 79 гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йилдагига нисбатан 7 центнер кўп, 35 центнердан ҳосил кўтаришмоқчи. Тракторчи Муҳиддин Обидов. сеялкачи Ҳоди Обидов ўртоқлар уруғнинг квадратларга аниқ тушишини таъминламоқдалар. Бригадада чигит экиш узоғи билан бир ҳафтада тугалланади.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.

* * *

Наманган ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммунизм» колхози далаларида ўнта агрегат ишламоқда. Механизаторлардан Абдувоҳид Қодиров, Турсун Умрзоқов, Шарофиддин Раҳмонов ўртоқлар чигитни тез ва соз экишда бошқаларга ўрнак кўрсатмоқдалар.

А. РАЖАБОВ.

* * *

1.600 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил кўтаришга аҳд қилган Ғиждувон районидаги «Зарафшон» колхози пахтакорлари яхши тайёрланган ерларга уруғ ташлай бошладилар. Қисқа муддатда 350 гектар майдонга квадрат-уялаб уруғ экилди. Универсалчи Шароф Сафаров, Ортиқ Шодиев ва экипаж аъзолари ҳар куни 7-8 гектар ерга уруғ ташламоқдалар. Улардан ўрнак олиб колхознинг бошқа механизаторлари ҳам экишнинг сифатига катта эътибор бермоқдалар.

Р. РАСУЛЕВ.

ҚОРАКЎЛ ТЕРИ ТОПШИРИЛМОҚДА

САМАРҚАНД, («Қизил Узбекистон» мухбири). Самарқанд областининг колхозлари ва совхозларида совлиқлар қўзилай бошлади. Норпой ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Карнаб» совхозида, Каттақўрғон районидаги «Ленинизм», Крупская номли колхоз ва бошқа ўнлаб хўжаликларда ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан ва ундан ҳам кўп қўзи олинаётир. «Улус» совхозининг донгдор чўпони Узбекистон ССР Олий Советининг депутати Аликул Шоптоқов бошлиқ отарда ҳар юз совлиқдан 130 тадан қўзи олинаяпти.

Областдаги қоракўлчилик колхозлари ва совхозлари давлатга қоракўл тери топшира бошладилар. Каттақўрғон ишлаб чиқариш бошқармасидаги хўжаликлар қабул пунктига ҳозирдаёқ салкам етти минг дона юқори сифатли қоракўл тери топширдилар. Норпой, Булунғур, Пастдарғом ишлаб чиқариш бошқармасининг колхозлари ва совхозлари ҳам давлатга кўп миқдорда қоракўл тери етказиб бердилар.

Самарқанд ишлаб чиқариш бошқармасининг хўжаликлари қоракўл тери топширишда областда биринчи ўринда бораётир. Бу ерда қоракўл тери тайёрлаш йиллик плани бажарилай деб қолди.

МУТАХАССИСЛАР МАСЛАҲАТИ

ЧИГИТ ЭКИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

Ҳозир республикамиз қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари олдида чигитни сифатли экиш, ҳамма майдонда уруғни тўла ундириб олиб, ниҳолларнинг соғлом бўлишини таъминлаш ва ғўза парваришини ўз вақтида сифатли ўтказиш вазифаси турибди. Токи ҳар бир колхоз ва совхоз зиммасига олган юксак социалистик мажбуриятларнинг муваффақиятли бажарилишини гаъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирсин.

Бунинг учун экишнинг сифатига катта эътибор бериш керак. Уруғ тўғри калибрлаштирилган ва гоммоз касалига қарши дорилган бўлиши шарт. Агар пахта заводлари ва тайёрлаш пунктларида уруғни дорилайдиган машиналар бўлмаса. колхоз ва совхозларнинг ўзида агрономларнинг назорати остида уруғни дорилаш мумкин. Дорилаш усули шундай: 1 тонна уруғни дорилаш учун унга 7 килограмм трихлорфинолят миси пуркалади ва уруғ қориштирилади. Экишга мўлжалланган чигитнинг тупроқда чириб қолмаслиги ёки ғўзанинг илдиз чириш касали билан зарарланмаслиги учун уруғ «ТМГД» препарати билан дорилнади. Бунинг учун бир тонна уруққа 12 килограмм препарат кифоя қилади. Айниқса туксизлантирилган чигитга жуда эҳтиёт бўлиш керак. Чунки у тез чириши ёки касалга учраши мумкин. Шу сабабли туксизлантирилган чигитни пахта пунктларида ёки махсус пунктлари бўлган колхоз ва совхозларнинг ўзида марказлаштирилган ҳолда дорилаш тавсия қилинади.

Далаларида кўк қурт кўп тарқалган колхоз ва совхозларда уруғнинг ҳаммасини ивитилгандан кейин 12 процентли гексахлоран дусти билан дорилаш керак. Бунда бир тонна уруққа 40 килограмм гексахлоран дусти солинади. Туксизлантирилган ёки ингичка толали пахта чигитни экиладиган майдонларга экиш пайтида тупроқнинг 3-4 сантиметр чуқурликда 25 процентли гексахлоран дусти солиб кетилади. Бир гектар майдонга 50 килограмм дуст солинса кифоя қилади. Туксизлантирилиб, аммиак селитраси билан дорилган чигитдан экишда кенг фойдаланиш мумкин. Бу — пуч ва эзилган уруғларни ажратиб олишга ёрдам беради.

Уруғларни оғирлигига қараб сортларга ажратиш Узбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар генетикаси ва физиологияси институти томонидан ишлаб чиқилган усулга мувофиқ марказлаштирилган ҳолда ўтказилади. Ҳамма пахта заводлари уруғни оғирлигига қараб сортларга ажратиш планини бажаришлари керак.

Қонда бўйича уруғ ортиқча ивитилмайди. Балки сочилиб туриши учун бир оз димланади. Ҳаво ҳарорати кўтарилиши билан бир тонна уруғни 400—700 литр сув солиб ивитиш керак.

Туксизлантирилган чигит ва ингичка толали пахта уруғлари эса ивитилмаган ҳолда экилаверади.

Экиш учун шундай муддатни танлаш керакки, тупроққа тушган уруғ тўла ва тез униб чиқсин. Иложи бўлмаган тақдирда экиш муддатини бир оз чўзиш ҳам мумкин. Лекин ёмон текисланган, катта кесаклари бўлган, намӣ қочган майдонга чигит экиш сира мумкин эмас. Яхшилаб текисланган, тупроқда етарли миқдорда намӣ бўлган, уруғнинг тўла униб чиқиши учун шўри яхшилаб ювилган ва чигит суви бершга муҳтож бўлмаган далаларнигина экишга тайёр майдон деб ҳисобласа бўлади. Бу майдонларга ҳар бир участканинг шароитини ҳисобга олган ҳолда белгиланган миқдорда фосфорли ва азотли ўғитлар солинади.

Далаларни қунт билан текислаш, майдон четлари ва ўқариқ ёқаларини яхшилаб ишлаш керак. Тупроқнинг устки қатлами ундек майин бўлиши лозим. Шундагина уруғ жуда тез униб чиқади.

Шўрхок ерларда пахта етиштираётган айрим хўжаликларнинг аъзолари экиш олдидан майдонларни фақат бороналаш билан чекланадилар. Шу сабабли баҳорда бу майдонларга шўр кўпчиб чиқади ва ўсимликни нобуд қилади. Бунга йўл қўймаслик учун шўр намни буғлатадиган капиллярларни йўқ қилиб ташлаш керак. Бунинг учун экиш олдидан ерларни чуқур ҳайдаш, агар зарур бўлса плуглардан отвални олиб ташлаб ҳайдаш зарур. Шўрхок ерлар ана шундай тартибда ишланганда бу майдонда ғўзанинг нормал ривожланиши учун имконият туғилади.

Экиш муддатини белгилашда ҳар бир зона ва ҳар бир хўжаликнинг об-ҳаво шароитини ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Чигитни ҳавонинг ҳароратига қараб энг яхши муддатларда экиш керак. Бу масалани ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари, ташкилотчи инспекторлар, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари, агрономлари, тажрибакор бригадирлар ўзаро маслаҳатлашиб, ернинг шароити, ҳавонинг аҳволи, тупроқда бўлган ўзгаришлар ва чигитнинг яхши униб чиқиши учун керак бўлган бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ҳал қиладилар. Чигитни 10-12 кун мобайнида экиб олиш учун ҳавонинг ҳарорати уруғнинг тўла униб чиқиши учун етарли, тупроқ қизиган бўлиши керак.

Чигитни квадрат-уялаб экиш усули яхши натижалар бермоқда. Бу йил 1 миллион 60 минг гектар ерга шу усулда чигит экилиши керак. Бу топшириқни ҳар бир область, ҳар бир ишлаб чиқариш бошқармаси, ҳар бир хўжалик бажариши шарт.

Пахтакор районларнинг ер тузилиши, тупроқ ва об-ҳаво шароити бир-биридан фарқ қилади. Шу сабабли шароитга мос экиш схемаларини танлаш катта аҳамиятга эгадир. Экиш схемасини танлашда ҳар бир хўжаликнинг шароитини, далаларнинг тузилишини ҳисобга олиш зарур. Далалари иф лосланган жойларда, ишчи кучи кам бўлган бригадаларда ёки тупроғи унумдор бўлган хўжаликларда пахтачилик ишларида механизациядан кенг фойдаланиш мақсадида чигитни 60х60 сантиметр схемасида экиш жуда фойдалидир. Ҳар гектар майдонда 90-100 минг туп ўсимлик бўлишини таъминлаш зарур бўлган ерларда эса чигит 60х50 ва 60х45 сантиметр схемаларида экилади. Кўплаб мояҳир механизаторларга эга бўлиб, ғўза қатор ораларини 2-3 марта культивация қилиш учун имконияти бор жойларда ва далалари бегона ўтдан тоза бўлган хўжалик ва бригадаларгина чигитни 60х45 сантиметр схемасида экиши мумкин.

Чигитни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экиш — прогрессив усулдир. Ишлаб чиқариш бошқармаларининг бошлиқлари ва мутахассислари, «Узсельхозтехника»нинг район бўлимлари ходимлари ҳар бир хўжаликда чигитни уяларга белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялка билан экиш юзасидан белгиланган планнинг бажарилиши учун ҳамма чораларни кўришлари зарур. Бундай сеялкалар билан чигит экилган майдонларда ғўзани ягана қилишга эҳтиёж қолмайди. Бу усулда чигит экканда майдонларнинг тупроқ шароити ва об-ҳавосини ҳисобга олиш зарур.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги чигит экишнинг дастлабки натижаларини якунлади. Айрим хўжаликлар ерларни яхши тайёрлаб, экишни сифатли ўтказаётган бир пайтда баъзи жойларда агротехника қоидалари бузилаётганлиги аниқланди. Бир қатор хўжаликларда яхши текисланмаган, тупроғи қуриб қолган ерларга уруғ ташланмоқда. Сеялкалар тўғри созланмаган, чигитни квадрат-уялаб экиш суръати суст бормоқда.

Шу муносабат билан хўжаликларнинг раҳбарлари ва мутахассисларга чигит экишни тўғри ташкил этишда ёрдам беришни кўзлаб, бир группа мутахассисларнинг маслаҳати берилди.

Экиш қандай усулда ўтказилмасин энг муҳими—кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлашдир. Уруғни белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар билан чигит экканда ҳар бир уяга 6-7 тадан, шароити яхши бўлган майдонларга эса 4-5 тадан сортли уруғ ташлаш кифоя қилади.

Бу йил ҳар бир хўжаликда уяларга белгиланган миқдорда уруғ ташлаб кетадиган сеялка билан унча катта бўлмаган майдонларга чигит экилади. Шу сабабли бу майдонларни қунт билан танлаш ва у ерда қайси усулда экиш кераклигини ўйлаб кўриш керак. Текис ва тупроғи яхши ишланган майдонларни уруғни белгиланган миқдорда ташлаб кетадиган сеялкалар билан чигит экишга ажратиш мақсадга мувофиқдир. Экиш оммавий суратда бошланиб кетгандан кейин 6-8 кун ўтгач, туксизлантирилган чигитни экишга киришилади.

Экиш олдидан майдонларга ўғит солинади. Агар бирор сабаб билан экишдан олдин далаларга минерал ўғит солинмаган бўлса, чигит экиш пайтида трактерга озиқлантиргич-культиватор осиб, бир вақтнинг ўзида далаларни ўғитлаш зарур. Ҳар гектар майдонга норма бўйича 25-30 килограмм фосфор ва 10-15 килограмм азот солинади.

Экишнинг сифатли ўтиши, қаторларнинг тўғри ва квадратларнинг аниқ чиқиши учун трактор, сеялка ва озиқлантиргич аппаратлари яхшилаб шайланган ва техника кўригидан ўтказилган бўлиши лозим. Тракторларнинг бошқарувчи қисмларини, тормозини текшириб туриш, сошникларнинг оралиғини аниқ белгилаш ҳамда уруғнинг белгиланган миқдорда ва маълум бир чуқурликка тушишини кузатиб бориш керак. Агар сеялка трактерга тўғри ўрнатилган бўлса, экишнинг сифати ҳам яхши бўлади, ғўза қатор ораларини ишлаш учун ҳам қулай шароит яратилади, культивация даврида ўсимликка зарар етказилмайди. Далаларнинг четлари, трактор айланадиган жойларга уруғ тўла экиб бўлингандан кейингина бу майдонларни чигит экиб бўлинган деб ҳисоблаш мумкин.

Тупроқни яхши ишлаш ва чигитни соз экиш—бу мўл ҳосил учун курашдаги катта ишнинг бошланишидир. Энг муҳими — ҳамма майдонларда уруғнинг тўла униб чиқиб, кўчатларнинг нормал қалинликда бўлишини таъминлашдир. Бригадирлар, мутахассислар тупроқдаги чигитни текшириб боришлари, унинг униб чиқишидан хабардор бўлиб туришлари, агар ўсимлик сустлик билан ривожланаётган бўлса, унинг тез ўсишини таъминлаш чораларини кўришлари зарур.

Агар далада қатқалоқ пайдо бўлса, тупроқни ротацион иш органлари ва ротацион мотигалар билан жиҳозланган трактор культиватори ёрдамида юмшатиш — бороналаш лозим.

Айрим пайтларда тупроқда етарли миқдорда нам бўлмаганлиги оқибатида уруғ униб чиқмайди. Бундай шароитда далаларга чигит суви бериш керак. Кўк қурт тушганлиги аниқланган майдонлардаги ўсимликка эса гексахлоран пуркалади.

Чигит экиш билан бир вақтда ғўза парваришига тайёргарлик кўриш лозим. Чопиқ тракторлари, культиватор, оқучник ва қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган бошқа асбоб-ускуналарни ҳозироқ шай қилиб қўйиш зарур.

Тажриба шуни кўрсатдики, ҳар бир тракторчи ўзи чигит эккан майдонлардаги ғўзани ўзи парвариш қилганда, бу майдонлардаги ғўза яхши ривожланиб мўл ҳосил тугади. Шу сабабли механизаторларга майдонларни биркитиб қўйиш жуда фойдалидир.

Чигит униб чиқиши билан қатор ораларини механизмлар билан кўндалангига-узунасига культивация қилишга киришиш, кўндалангига культивация қилиш тамом бўлиши билан кўчатларни ростлаш керак. Дала четларидаги ва бошқа жойлардаги уруғ униб чиқмай қолган ерларга дарҳол қайта чигит экиш зарур.

Кўчатларни ростлаш ва қўшимча чигит экиш ишларига тажрибали деҳқонларни қўйиш керак. Чунки гектарларда ғўза тупларининг нормал қалинликда бўлиши, ўсимликнинг соғлом ривожланиши ана шу ишнинг қандай бажарилганлигига боғлиқдир.

Машина теримига текис, яхши ишланган ва кенг майдонларни ажратиш керак.

СЎЗИМИЗНИНГ УСТИДАН ЧИҚАМИЗ

Чўпонлик мен учун ота касб. Ўрта мактабни тамомлаб, ўз ихтиёрим билан совхоз маъмуриятига иш сўраб мурожаат қилдим. Дирекция менга катта ишонч билдириб, бош чўпон қилиб тайинлади.

Дастлабки пайтларда қийинчиликларни енгишга тўғри келди. Ҳаётнинг ўзи ҳали ўқишим кераклигини кўрсатди. Самарқандаги зооветеринария техникумига сиртдан ўқишга кирдим. Ишда илғорлар тажрибасига амал қилдим. Ҳамкасбларимнинг маслаҳати менга далда берди. Натижа ёмон бўлмади. 1961 йилда ҳар 100 бош совлиқдан 115 қўзи ва ҳар бир қўйдан 3,1 килограммдан жун олган бўлсам, ўтган йили ҳар юз бош совлиқдан 135 қўзи, ҳар бир қўйдан 3,3 килограммдан жун олдим.

Биз Усть-Лабинск меҳнаткашлари ва янгийўлликларнинг ташаббусига қўшилиб, бу йил отаримиз бўйича ҳар юз бош совлиқдан 150 қўзи ва ҳар бир қўйдан 3,4 килограммдан жун олишга аҳд қилдик.

Ф. ҚУНИСОВ,
Нурота районидаги «Қизилча» совхозининг бош чўпони.

ЧЎЛ ЛОЧИНЛАРИ

Соҳибжон қалб амри билан қўриқ ерларни ўзлаштириш учун парвоз қилган ёшлар қаторида 6-совхозга келганида улкан хўжалик эндигина қад кўтараётган эди. Бир умр сув кўрмаган асрий қақроқ дашт қўйнида ҳаёт қайнарди. Ҳужумкорлар учун қурилаётган муҳташам бинолар кун сайин бўй чўзиб, посёлка ҳуснига ҳусн қўшарди. Чўл бағрига ғулув солаётган қудратли тракторлар кечакундуз ғуриллардн. Шер юрак паҳлавонлар зарби билан чўл чекинарди.

Меҳнат фронтининг олдинги сафларида Соҳибжон ҳам чўл қуриб, матонати, ташкилотчилиги билан дўстлари орасида тез орада танилди. Кунлардан бирида Соҳибжонни совхоз директори чақириб қолди. У директор кабинетига кирганида партком секретари, агроном инженер ниманидир муҳокама қилишарди. Соҳибжон улар билан сўрашгач, стулга ўтирди.

— Чақиришимизнинг сабабини билмассиз? — деди директор Соҳибжон томон юзланиб.

— Йўқ,—деди Соҳибжон.

— Биз, сизни бригадирлик вазифасига тавсия қилмоқчимиз, — деди директор,—нима дейсиз?

— Йў-ге... тажрибам ҳали кам.

—Қобилиятингиз маълум,—суҳбатга партком секретари аралашди.—Ўртоқларингиз сизни чинакам командирбоп йигит дейишяпти-ку.

Соҳибжон бир зум ўйланди-да,

— ундай бўлса мен нима ҳам дердим, ёрдам берсаларингиз майли,—деди.

Соҳибжон самимий хайрлашиб ташқарига чиқди. Оқшом чойшабини баравар ёзган. Боягина осмонни қоплаб турган булутлар тарқала бошлади. Соҳибжоннинг руҳи янада тетикланди. Бўлажак ишларни кўз олдига келтирди-да, фикр денгизида сузиб, дўстлари ёнига келганини ҳам сезмай қолди.

Соҳибжон Турсунов бригада, кишилар, ҳосил ҳақида, хўжаликни бошқариш тўғрисида ўйлайдиган бўлди. У фақат йўл-йўриқ кўрсатадиган раҳбар бўлиб қолмади. Пойгага шайланган «пўлат от»ларнинг бирини ўзи минди. Чигит экиш ва ғўзани парвариш қилишда катта матонат кўрсатди.

Ўша йили эришилган натижа унчалик мақтагудек бўлмаса ҳам, бригада пахтакорларининг юзлари қизариб қолмади. Биринчи марта чигит экилган 268 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 13 центнердан ҳосил олиниб, план ошириб адо этилди.

Соҳибжон келгуси йилда нуқсонларга йўл қўймаслик мақсадида чўл ва ер шароитини пухта ўрганиб борди. Механизацияни кенг қўлланиш, ғўзани талабига қараб суғориш, ўғитлаш ва экинни об-тобида парвариш қилишга катта эътибор бериш кераклигига қатъий ишонч ҳосил қилди. Деҳқончиликнинг миридан-сиригача ўрганди.

1962 йилда Соҳибжон Турсунов бошлиқ бригада пахтакорлари ери экишга сифатли тайёрладилар ва чигит экишни қулай агротехника муддатларида ўтказдилар. Чигитни тупроқнинг ўз намига қийғос ундириб олдилар, гектарларнинг тўла бўлишига эришдилар, Ғўза қатор ораларини ишлашда механизациядан кенг фойдаландилар. Натижада бир йил ичида ҳосилдорлик гектар бошига 9 центнердан кўпроқ ошди. 225 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 13 центнер ўрнига 22,5 центнердан ҳосил олиниб, эл хазинасига 5062 центнер «оқ олтин» тўкилди. Мирзачўлнинг Жиззах массивида барпо этилган 6-совхознинг Ватан хирмонига топширган 13 минг тоннасида уларнинг ҳам улуши салмоқли бўлди. Мўлжалдагидан 2 баравар кўп даромад олинди.

Чўл бағрида олтин ундираётган азаматларнинг бу йилги режалари яна ҳам улкан. Улар ҳар гектар ердан 30 центнердан ҳосил етиштиришга аҳд қилишган. Мўл ҳосилга замин яратиш ана шу аҳдга яраша боряпти. Бригада пахтакорлари 225 гектар майдонни 28-30 сантиметр чуқурликда эрта куздаёқ шудгорлаб қўйишди. Ҳайдаш олдидан гектарига 300 килограммдан суперфосфат солинди. Улар қишда ҳам қараб туришмади — гўнг жамгаришди, суғориш шохобчаларини тартибга келтиришди, техникани ремонт қилишди.

Вафодорлар илк баҳордан дала ишларини қизғин бошлаб юбордилар. Абдураҳмон Каримов, Қодир Усмонов ўртоқлар «пўлат от»лари билан ерга минерал-маҳаллий ўғит аралашмасини солмоқдалар. Соҳибжон Турсунов, Қодир Каримов ва Исмоил Сулаймонов ўртоқлар «ДТ-28» трактори билан ўғитланган майдонларни бороналаётирлар. Ҳозиргача 200 гектардан кўпроқ ер ўғитланиб бороналанди, кафтдек текисланиб қўйилди.

Соҳибжон Турсунов бошлиқ бригада деҳқонлари — чўл лочинларининг эл хазинасига қўшадиган ҳиссаси бу йил ҳам баракали бўлади. Гўзал Ватан шуҳратини, бойлигини орттириш йўлида уларнинг ғайрати жўш ураётганлиги ана шундан далолат бериб турибди.

Х. ИСРОИЛОВ.
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

ҚИЗИЛ УЗБЕКИСТОНДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

«СОХТА ҲУЖЖАТЛАР ГИРДОБИДА»

Шу сарлавҳа остида босилган танқидий мақолада Сурхондарё область, Жарқўрғон районидаги Ленин номли колхозда жойлашиб олган бир группа юлғичларнинг жиноий ишлари фош қилинган эди.

Мақола бўйича Сурхондарё область прокурори колхозда текшириш ўтказди. Мақолада келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Колхоз правлениеси раиси Уташ Қодиров бошлиқ бир группа шахслар — колхоз бош бухгалтери Мамаражаб Маманов, кассири Мусо Қурбонов, диспетчер Паян Бўрановв, омбор мудири Мамасафо Ҳайдаров ва бошқалар ўзаро тил бириктириб, ҳар хил сохта ҳужжатлар ясаш йўли билан колхознинг жуда кўп пулини ўзлаштирганлар ва хўжаликка катта зарар етказганлар. Жиноятчиларнинг иши Сурхондарё область суди мажлисида кўрилди. Уташ Қодиров, Мусо Қурбонов, Мамаражаб Маманов, Паян Бўрановлар 10 йилдан 15 йилгача қатиқ қамоқ жазосига, мол-мулкини мусодара қилишга ҳукм қилинди. Мамасафо Ҳайдаров, Иброҳим Искандаров ва бошқалар 4 йилдан 6 йилгача озодликдан маҳрум этилди. Область судининг бу ҳукмини Узбекистон ССР Олий суди тасдиқлади.

«АВТОБАЗАДАГИ ҲАНГАМАЛАР»

«Наштар» рубрикаси остида босилган шу сарлавҳали материалда илгари Узбекистон ССР Савдо министрлигига қарашли бўлган ҳозир эса Узбекистон ССР Автомобиль ва тошбозаа раҳбарларининг ноўрин ҳаракатлари танқид қилинган эди.

Бу ҳақда Тошкент шаҳар Ленин район партия комитетининг секретари ўртоқ Ю. Умаровдан қуйидаги жавоб-хат олинди.

«Автобазадаги ҳангамалар» сарлавҳали материал юзасидан район партия комитети текшириш ўтказди. Текшириш якуни район партия комитетининг бюросида муҳокама қилинди. Ишга ҳалол муносабатда бўлмагани, давлат мулкини талон-торож қилувчиларга нисбатан келишувчилик қилгани учун автобаза директори Н. М. Вигдерзонга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор эълон қилинди.

Автобаза таъминот бўлими бошлиғи Бун-Сен Кимнинг хатти-ҳаракатлари билан Ленин район прокурори шуғулланди ва унга нисбатан маъмурий чора кўрди, автобаза директори буйруғи билан эса Б. Кимга виговор берилди.

«ШУ ҲАМ ҒАМХЎРЛИКМИ?»

Тошкент Давлат медицина институтининг 2-хирургия клиникасидаги тартибсизликлар, клиника ходимларининг беморлар билан қўпол муносабатда бўлиши, «Муросасизлар сигнали» рубрикаси остида босилган юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.

Тошкент Давлат медицина институти бош врачи ўринбосари Н. Уринбоевнинг редакцияга хабар қилишича, газета танқиди клиника коллективи ўртасида муҳокама қилиниб, унда кўрсатилган камчиликларни тузатишга қаратилган тадбирлар белгиланган.

ТАСС АХБОРОТИ

6 апрель соат 4—22 минутда «Луна-4» автоматик станцияси Ой сатҳи устидан 8500 километр масофада учиб ўтди.

«Луна-4» станцияси ёрдами билан ўтказилган экспериментлар ва ўлчаш ишлари тугалланди. Станция билан радио алоқаси бир неча кун мобайнида давом эттирилади.

Ойни забт этиш билан боғлиқ бўлган бир қанча техника проблемаларини ҳал этиш учун катта аҳамиятга эга бўлган жуда кўп экспериментал материал тўпланди. Ўлчаш маълумотлари космик фазони тадқиқ қилаётган мамлакатнинг илмий марказларида ишлаб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

«Луна-4» станцияси ўз парвозини давом эттириб, 1963 йил мобайнида чўзиқроқ орбита бўйлаб Ер атрофида айланиб юради. Биринчи айланишида станция билан Ер ўртасидаги энг узоқ масофа тахминан 700 минг километр, энг кам масофа 90 минг километрга яқин бўлади. Қуёш ва Ойнинг тортиш кучи таъсири оқибатида «Луна-4» станцияси ҳаракатининг орбитаси кейинчалик анча ўзгаради. Бунинг натижасида станция Ер тортиш кучи таъсири доирасидан чиқиб кетади ва Қуёшнинг сунъий йўлдошига айланади.

Шу билан «Луна-4» станциясининг ҳаракати тўғрисида ТАСС ахборотларини эълон қилиш тамом бўлди.

ХАТЛАРДАН САТРЛАР

Қўқондаги Х. Ҳ. Ниёзий номли давлат драма театри қошида маданият университети очилган эди. Университет тингловчилари театр санъатининг турли масалалари бўйича қизиқарли лекциялар тинглашяпти.

А. Арслонов.

Тошкент хотин-қизлар кооператив техникумининг студентлари ўз билимларини амалий иш билан қўшиб олиб бориш учун ишлаб чиқариш практикаси ўтказишмоқда.

И. Жуманиёзова.

ЗИММАГА ОЛИНГАН МАЖБУРИЯТЛАРНИ ҚАТЪИЙ БАЖАРИШ УЧУН

СССР ҲУКУМАТИНИНГ ГЕРМАНИЯ ФЕДЕРАТИВ РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТИГА НОТАСИ

Германия Федератив Республикаси ҳукумати катта диаметрли қувурларни Совет Иттифоқига чиқаришни тақиқлаб қўйганлиги сабабли 6 апрелда СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари В. С. Семенов Германия Федератив Республикасининг СССРдаги ишлар вакили Г. Наупертга Совет ҳукуматининг нотасини топширди.

Нотада айтиладики, давлатлараро асосда тузилган икки томонлама савдо битимини Федератив Республиканинг бундай қўпол бузганлиги Германия Федератив Республикасига савдодаги партнер тариқасида бўлган ишончга путур етказади, халқаро ҳуқуқнинг асосий принципларидан бирини — шартномаларга содиқ бўлиш принципини бузади.

СССР ҳукумати шуни уқтириб ўтишни лозим деб ҳисоблайдики, зиммага олинган мажбуриятларни бузиш методларини халқаро муносабатлар практикасига киритишга уриниш давлатлар ўртаси да ишончсизликни кучайтириш ва, авало, шундай методларни ўтказувчиларнинг ўзига зарар етказиши мумкин.

СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасида муносабатларни ёмонлаштиришга қаратилган бундай очиқдан-очиқ душманлик ҳаракати, дейилади сўнгра нотада, федерал ҳукумат ҳаракатларининг қандай характерда эканлиги тўғрисида Совет ҳукуматида шубҳа қолдирмайдики, СССР билан Германия Федератив Республикаси ўртасидаги муносабатлар бусиз ҳам анча ёмон аҳволда қолиб келмоқда.

Совет ҳукумати Ғарбий Германия томонининг ўз зиммасига олган мажбуриятларини қатъий бажаришини аввалгидек талаб қила беради ва бундан буён ўзи зарур топган чораларни кўриш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. (ТАСС).

ИЛМИЙ АТЕИЗМ ТЎҒАРАҒИ

Марҳамат ишлаб чиқариш бошқармасидаги В. И. Ленин номли 7-ўн бир йиллик мактаб партия ташкилоти ҳузурида илмий атеизм тўғараги ташкил этилган эди. Машғулотлар системали ҳамда қизиқарли ўтказилганлиги сабабли тўғарак аъзоларининг сони кун сайин кўпаймоқда. «Ўзбекистонда диний ақидаларнинг танқиди ва эркин фикрларнинг ривожланиши», «Диннинг келиб чиқиши», «Ислом ва унинг ақидалари» темаларидаги лекциялар айниқса жонли ва қизиқарли ўтди.

Р. ҒАНИЕВ,
ўқитувчи.

НУКУСНИНГ БУГУН ВА ЭРТАСИ

Йигирма баҳорни кўрган Нукус шаҳрининг ҳуснига ҳусн қўшилиб, йил сайин тобора камолотга етмоқда. Айниқса, ўтган йили йирик панелли уй қуриш заводининг биринчи навбати ишга туширилгандан кейин, шаҳарда уй-жой қурилиши ишлари кенг кўламда олиб бориляпти. Бу завод йилига 35 минг квадрат метр уй-жой қуришга моддий база бўлиб хизмат қилади. Бу билан ўтган тўрт йилдагидан 3,5 баравар кўпроқ уй-жой қуриш имкони яратилади. Бу эса минг квартира демакдир.

Шаҳарда қурилаётган силикальцит заводи уй-жой қурилишини авж олдиришда катта аҳамиятга эгадир. Ҳозир газ қурувчилар учун уй-жой, Тахиатош гидропузели ва картонцеллюлоза комбинати қурилиши кенг миқёсда олиб борилмоқда.

Келгуси йилдан бошлаб, шаҳарнинг ғарби-жанубий қисмидаги Биринчи май массивида йирик панелли уйлар қурилиши кенг кўлоч ёяди. 300 гектар майдони ишғол қилган бу массивда қуриладиган биноларнинг «Қизкетеан» каналининг чап қирғоғи бўйлаб қад кўтаради.

Бу ерда қурилажак 273 минг квадрат метр уй-жой биноларида 26 минг киши истиқомат қилади. Бу эса ҳозирги Нукус аҳолисининг ярмига баравардир.

Янги массив 5 та микрорайонга бўлинади. Бу ерда қуриладиган мактаб, болалар муассасалари, кинотеатр, магазинлар, ошхоналар аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатади.

Янги уй-жойлар ям-яшил дарахтзорга бирканади, скверлар ва хиёбонлар билан ўралади.

Нукус кенгайиб кўркамлашмоқда, яшил либосга бирканмоқда.

Кўклам савдоси

Дала ишларининг қизғин даври бошланди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар ва қишлоқ хўжалик мутахассислари бу йил она-Ватанга 3 миллион 566 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш учун курашни кучайтириб юбордилар. Пахтакорларнинг ўз зиммаларига олган бу социалистик мажбуриятларини муваффақиятли бажаришда савдо ходимлари — кооператорлар ҳам ҳисса қўшишга даъват этилганлар.

Бирғина ўтган йилнинг ўзида матлубот кооперацияси магазинлари орқали меҳнаткашларга 103 миллион сўмлик саноат ва озиқ-овқат товарлари сотилди. Бу — 1961 йилдагидан 12 процент кўпдир. Қишлоқ аҳолиси холодильник, радиоприёмник, телевизор, мотоцикл, тикув машиналари, енгил автомашиналар, пианино ва турли мебелларни ҳар қачонгидагидан ҳам кўп харид қилди.

1958 йилда қишлоқ аҳолисига 4,3 миллион сўмлик турли китоблар сотилган бўлса, ўтган йили китоблар харид қилиш 5,2 миллион сўмга етди. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ меҳнаткашларининг маданий савияси ўсганлигининг ёрқин далилидир.

Қишлоқ жойларида кўплаб магазин, ошхона, новвойхона ва шу каби маиший бинолар қурилмоқда. Саноат, озиқ-овқат товарлари етказиб бериш бирмунча яхшиланди. 1959—1962 йиллар давомида қишлоқда 3200 магазин, 550 тага яқин ошхона, 115 новвойхона биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Баҳорги дала ишлари авж олиб кетган шу кунларда савдо ходимларининг қишлоқ меҳнаткашларига савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари хизматини намунали ташкил қилишдан зарурроқ муҳим иши йўқ. Далага, бевосита колхозчилар ишлаб турган ерларга кўчма дўконлар юбориш, сотувчисиз дўконлар ташкил қилиш, шу орқали колхозчиларга ва совхоз ишчиларига зарур хўжалик ашёлари ва товарлар етказиб бериш — кооператорларнинг жонажон иши.

Бу йил колхоз ва совхозларнинг далачилик бригадаларида 1880 кўчма дўкон ҳамда 1440 сотувчисиз ларек ташкил этилади. Барча далачилик бригадаларига марказлашган ошхоналардан иссиқ овқатлар етказиб бериш кенг йўлга қўйилади. Шунингдек, оби нон ва нон маҳсулотлари келтириб сотилади.

Дала шийпонларини яхшилаб жиҳозлаш мақсадида колхоз ва совхозларга кўчма кутубхона комплектлари, радиоприёмниклар, енгил стол, стуллар ва бошқа зарур жиҳозлар етарли миқдорда етказиб берилади.

Район марказларида, совхоз посёлкаларида савдо гармоқлари ва умумий овқатланиш корхоналари иши яхшиланади. Бунинг учун магазинларга турли ассортиментдаги товарлар кўплаб келтирилади. Қишлоқ аҳолисининг баҳорги ва ёзги кийим-кечакларга бўлган талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олиб район маказларида ва йирик қишлоқ жойларида ярмарқалар ташкил қилинади.

З. СИРОЖЕВ,
«Ўзбекбирлашув» правлениеси раисининг ўринбосари.

И. МАДГАЗИН.
Қорақалпоғистон АССР.

ЯНГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат Бадиий адабиёт нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Яшин. ТАНЛАНГАН АСАРЛАР. Шеърлар, пьесалар. 3 томликнинг биринчи томи. 508 бет, тиражи 10.000, баҳоси 1 сўм 62 тийин.

З. Обидов. ОЧИҚ КЎНГИЛ БИЛАН... Шеърлар, 112 бет, тиражи 5.000, баҳоси 25 тийин.

Ҳабиб Нуъмон. ЕШЛИКДА БЕРГАН КЎНГИЛ. Повесть. 204 бет, тиражи 25.000, баҳоси 51 тийин.

Ўзбекистон ССР Давлат нашриёти қуйидаги китобларни босиб чиқарди:

Г. Оржоникидзе. ЛЕНИНИЗМ ВА ЛЕНИНЧИ ПАРТИЯ БИРЛИГИ БАЙРОҒИ ОСТИДА, 60 бет, тиражи 5.000, баҳоси 10 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ПАРТИЯ-ДАВЛАТ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ ҲАМДА УНИНГ ЖОЙЛАРДАГИ ТЕГИШЛИ ОРГАНЛАРИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ. 13 бет, тираж 30.000, баҳоси 2 тийин.

Г. К. Ржевский. ПАХТА ҲОСИЛИНИ ОШИРИШ РЕЗЕРВЛАРИ. 92 бет, тиражи 5.000, баҳоси 10 тийин.

«ПРАВДА ВОСТОКА» ВА «КОМСОМОЛЕЦ УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИ МУКОФОТИ УЧУН

Ўтган дам олиш куни «Правда Востока» ва «Комсомолец Узбекистана» республика газеталари мукофоти учун навбатдаги XXXIV традицион эстафета ўтказилди.

Эстафета Беруний майдонидан бошланди. Спортчилар Педагогическая, Тарас Шевченко, Карл Маркс, Лохутий кўчаларидан ўтиб Навоий кўчасига чиқдилар. Эстафета қатнашчилари старт берилгандан ярим соат вақт ўтмай «Пахтакор» стадионига — финишга етиб келдилар.

Республика газеталари фахрий мукофотлари учун ўтказилган эстафетада олий ўқув юртлари, техникумлар, физкультура коллективларининг 800 га яқин кишини бирлаштирган 33 команда қатнашди. Улар шаҳар кўчалари бўйлаб 11.425 метр масофани босиб ўтдилар.

Кураш асосан физкультура ва темир йўл транспорти инженерлари институти командалари ўртасида борди. Бироқ сўнгги этапларда Ўзбекистон Давлат физкультура институти командаси олдинга ўтиб олди ва 29 минут 50,6 секунд вақт билан галабага эришди. Команда' «Правда Востока» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталари кўчма мукофотларини олишга муяссар бўлди. Темир йўл транспорти инженерлари институти спортчилари 30 минут 06,8 секунд вақт билан финишга иккинчи бўлиб келдилар.

Техникумлар ўртасида Тошкент электромеханика техникуми, ишлаб чиқариш корхоналари физкультура коллективлари ўртасида «Старт» спорт клубининг енгил атлетикачилари голиб чиқдилар.

Ш. УМРЗОҚОВ,
«Қизил Ўзбекистон»нинг штатсиз мухбири.

СУРАТДА: эстафета қатнашчилари.

В. Косовский фотоси.

БИЛДИРИШ

Бугун пойтахтнинг Округ офицерлар уйида «Етти йиллик — амалда» IV республика бадиий фотография виставкасининг муҳокамаси бўлади.

Муҳокама кеч соат 7 да бошланади.

Ташкилот комитети.

ҚИСҚА ХАБАРЛАР

⊙ Пхеньянда Болгария билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасида 1963 йилда товар айирбошлаш ва тўловлар ҳақидаги протокол имзоланди. Болгария Корея Халқ Демократик Республикасига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, дори-дармонлар, химикалиялар, машиналар, енгил саноат маҳсулотини етказиб беради ва у ердан пўлат машиналар, қаттиқ қотишмалар, балиқ консервалари олади.

⊙ Аддис-Абебада СССР билан Эфиопия ўртасида 1963 йилда алоқалар тўғрисидаги протокол имзоланди. Протоколда Баҳордорда техника мактабида ўқув процессини ташкил этишда Эфиопияда тенинг ёрдам кўрсатиш кўзда тутилади. Бу мактаб Совет Иттифоқининг Эфиопия халқига туҳфаси ҳисобланади. Мактабда беш совет консультант-ўқитувчиси ва ишлаб чиқариш таълими бўйича беш уста ишлайди. Совет Иттифоқи мактабни инглиз тилидаги ўқув-методик адабиёт билан текин таъминлайди. Студентларни бирбирларига юбориб туриш давом эттирилади.

⊙ АҚШ миллий ҳарбий коллежининг генерал Фрэнсис Пэчлер бошчилигидаги бир группа офицерлари Ганага келишди. Офицерларнинг бу группаси Африкадаги бир қанча мамлакатлар бўйлаб сафар қилади.

⊙ Лондоннинг Хэмпстед районидаги бошқарма биносида оммавий митинг бўлиб ўтди. Митинг қатнашчилари Бродстрит станциясини Ричмонд (Лондоннинг чеккаси) билан боғлайдиган темир йўл тармогининг ёпилишига қарши норозилик билдирдилар. Бу тадбир Англия темир йўлларини «қайта қуриш» юзасидан ҳукумат программасига мувофиқ амалга оширилади. Комитет тузилди. Бу комитет Лондондаги бошқа 10 та район билан ҳаракатни координация қилади. Бу районларнинг аҳолиси ҳам ана шу темир йўл магистралидан фойдаланмоқда. (ТАСС).

Оламда қилма гап

КОНСТИТУЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

БЕЛГРАД, 7 апрель. (ТАСС). Югославия Федератив Халқ Республикасининг Иттифоқ халқ скупщинаси бугун янги конституцияни тантаналн вазиятда бир овоздан маъқуллади. Қабул қилинган конституцияга мувофиқ Югославия бундан буён Югославия Социалистик Федератив Республикаси деб аталади

АҚШДА ЯДРО ҚУРОЛИ ПОРТЛАТИЛДИ

ВАШИНГТОН, (ТАСС). Қўшма Штатлар Невада штатидаги синов полигонида 5 апрелда яна ер остида ядро қуроли портлатди. Бу ҳақда Америкининг атом энергияси комиссияси хабар қилди.

СУРИЯДА КОМЕНДАНТ СОАТИ БЕКОР ҚИЛИНДИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбири Байрутдан хабар беради: Сурия ички ишлар министри ва ҳарбий генерал-губернатор ўринбосари полковник Амин Хофиз 5 апрелда Сурияниинг ҳамма территориясида комендант соатини бекор қилди.

Хофиз шунингдек 6 апрелдан бошлаб, Сурияниинг университетлари ва мактабларида машғулотларни яна бошлаб юбориш тўғрисида буйруқ берди. Машғулотлар Дамашқ ва Халабда бўлиб ўтган намойишлардан кейин 2 апрелда тўхтатиб қўйилган эди.

НОМАЪЛУМ ЙЎЛДОШ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). АП агентлигининг мухбири хабар беради: АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг қўмондонлиги 5 апрелда кечқурун «Блю флэш скаут» номли Ернинг яна бир сунъий йўлдоши Ванденберг авиабазасидан (Калифорния штати) учирилганлигини эълон қилди. Ҳарбий ҳаво кучларининг баёнотида йўлдошнинг учирилиши тўғрисида ва унинг хусусиятлари тўғрисида ҳеч қандай тафсилот берилмаган. Йўлдошнинг Ер атрофидаги орбитага чиққанлиги ёки чиқмаганлиги ҳам кўрсатилмаган.

КАТТА ҒАЛАБА

ПАРИЖ. ТАСС мухбири Ю. Лопатин хабар беради: Франциянинг узоқ вақт ҳувиллаб турган тош кўмир шахталари бугун эрталабдан бошлаб яна говжум бўлиб қолди. Кончиларнинг 35 кун давом этган қахрамонона забастовкаси тугади.

Францияниинг ҳамма кўмир районларида кеча митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди, бу ерларда касаба союзларининг вакиллари сўзга чиқиб, давлат шахталарининг маъмурияти билан имзоланган битим шартларини забастовкачиларга айтиб бердилар.

Забастовкачиларнинг ҳамма асосий талабларини амалда қондирадиган бу битимни шахтерларнинг асосий кўпчилиги маъқуллади.

Барча кончилар федерациялари: Умумий меҳнат конфедерацияси, «Форс увриер», Франция христиан меҳнаткашлари конфедерацияси ва Кадрлар умумий конфедерацияси-нинг чақириғига мувофиқ оддий шахтерлар ва инженер-техник ходимлар ишга тушдилар. Лотарингия, Оверн, Севенн, Прованс, Деказвиль шахталарида ишлар эрталабдан тўла бошлаб юборилди. Нор ва Па-де-Кале департаментларининг бир қанча шахталаридагина битимни муҳокама қилиш ҳали тугалланган йўқ. Бироқ бу ерда ҳам кўмир қазувчиларнинг тўртдан уч қисми ишга келди. Зарур иҳозларни олганларидан кейин қолган кончилар ҳам ишга тушади, деб қутилади.

Умумий меҳнат конфедерациясининг кончилар федерацияси эълон қилган баёнотида Нор ва Па-де-Кале департаментларининг баъзи шахталарида кўмир қазувчилар қўшимча иҳозлар берилишини талаб қилаётганлигини таъкидлаб, эришилган битим шартларини эслатади: яқин йил ичида иш ҳақи 12,5 процент оширилади, кончиларга иш ҳақи тўланган ҳолда бериладиган отпуска даҳол узайтирилади, маъмурият иш ҳафтасини қисқартириш тўғрисидаги масалани тезликда қараб чиқиш мажбуриятини олган ва ҳоказо.

Узоқ давом этган ва қаттиқ забастовка қураши шахтерларни жипслаштирди. Ҳозир, сталкадан сўнг улар бирғаликдаги кураш оловида тобланган ўз ҳаракат бирлигини сақлашга интиладилар.

Белград — Югославия Социалистик Федератив Республикасининг энг катта шаҳари. Кейинги йилларда бу ерда янги-янги саноат корхоналари, ўқув юртлари, театрлар, уй-жой бинолари қад кўтарди. Ҳозир Сава дарёсининг чап қирғоғида «Нови Београд» шаҳри қурилмоқда. Бу ерда 1965 йилга келиб, 250 минг киши яшайди. Суратда: «Нови Београд».

ТАНЮГ — ТАСС фотоси.

Томошалар. Эълонлар

РАДИО

9 АПРЕЛДА

Биринчи программа. 7.40 — Пионер эрталиги. 8.25 — Янги грампластинкалар. 9.50 — Дўстлик йўли (тожик тилида суҳбат). 10.10 — Концерт (Ўзбекистон радиоси бадиий коллективлари ижросида). 11.20 — Концерт (область театрлари артистлари ижросида). 12.30 — Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар. С. А. Воронин. «Икки ҳаёт» (романдан боблар). 13.30 — «Лос Каминантес» триоси концерти. 15.35 — Композитор Мутал Бурҳонов (концерт-очерк). 16.15 — Ленин кунларига бағишланган эшиттириш. 17.40 — «Ёш куч» спорт ҳақида. (Ўзбек тилида). 18.05 — Мусиқани қандай тинглаш ва тушуниш керак (Ўзбек тилида). 18.30 — Моңкошқо асарлари. 19.20 — Концерт (қорақалпоқ куйларидан). 20.00 — Чорвоқ тоғ этакларида (рус тилида). 20.10 — Концерт (ижрочи-музикачилар республика конкурси дипломантлари иштирокида). 20.45 — Саноат ходимлари учун (Ўзбек тилида).

Иккинчи программа: 19.00 — Рус қўшиқлари. Лапарлари ва рақслари. 19.30 — П. Қодиров. «Юракдан қуёш» (Ўзбекистон ёзувчиларининг янги асарлари). 20.10 — Ҳозирги замон халқ қўшиқлари. 20.45 — Комсомол прожектори нур сочмоқда. 21.00 — Концерт (тожик халқ куйларидан). 21.30 — Куйлардан куйларга. 22.05 — Демьян Бедний сатираси (Ўзбек тилида) 21.25 — Баҳор ишқи юрак нағши (музикали эшиттириш). 23.15 — Концерт (Ўрта Осиё республикалари саноат ходимлари талабига мувофиқ).

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

9 АПРЕЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Сиз учун ёзилган ҳикоялар** (мактаб ўқувчилари учун). 18.25 — **Телевизион янгиликлар.**

18.40 — Қозоқ тилида эшиттириш. 19.05 — **Баҳор байрами** (тожик тилида очерк). 19.15 — **Концерт.** Рус тилида: 19.55 — **В. М. Васнецов ижодида воқеий ҳикоялар ва эртаклар** (мактаб ўқувчилари учун). 20.25 Телевизион янгиликлар. 20.40 — **Саноат ходимлари учун.** 20.55 — **«Ўзбекфильм» киностудияси 1963 йилда.** 21.35 — **Спорт маликаси Тошкентда, Қуёш, ёмғир ва табассум** (ҳужжатли фильмлар).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — Н. В. Гоголь. **Ревизор** (экранлаштирилган комедия). 19.40 — **Тожикистон рассомлари.**

Ўзбек тилида: 20.05 — **Архив ҳужжатлари ҳикоя қилади** (Ўзбекистон хотин-қизларининг III съезди олдидан). 20.30 — **Коммунистик меҳнат нишилари.** 20.50 — **Қозон қиссаси** (Қозон телевидение студияси фильми).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IV да **Катта концерт,** 10/IV да **Кулган киши.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/IV да **Гамлет,** 10/VI да **Олов.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—10/IV да **Кимга тўй, кимга аза.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 12, 13, 14/IV кеч соат 8 да Ўзбекистон ССР халқ артисти **Комилжон Отаниёзов** раҳбарлигида ва иштирокида **Хоразм ансамблининг концертлари.**

КИНО

Армагеддон — «ЕШ ГВАРДИЯ» (эрталаб соат 9-50 ва 11-45 минутда), «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Капитан Лой туши — «ВАТАН», «ИСКРА», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқуруи), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Каролина Риенская — «МИР», «ДРУЖБА» (1-залда), «МОСКВА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқуруи).

Танца кечаси — НАВОИЙ номли, «ДРУЖБА» (2-залда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқуруи), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11, кундуз 3 да, кеч 7 ва 10-40 минутда).

Ун иккинчи тун — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

Маскарад —«ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 5 ва 9 да).

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ

Тошкент Давлат университети

1963/64 ўқув йилида

СИРТҚИ БЎЛИМНИНГ

математика, геология, география, қуруқлик гидрологияси, она тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, журналистика, тарих, ҳуқуқшунослик, чет тиллар ихтисосларига (1-курсга)

СТУДЕНТЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Аризага қуйидаги ҳужжатлар қўшиб берилади: таржимаи ҳол, характеристика, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, турар-жойдан справка, иш жойидан справка, соғлиғи ҳақида справка, меҳнат дафтарчасидан кўчирма, 3х4 сантиметр катталикда 4 та фотокарточка.

Адрес: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси, 32-уй, сиртқи бўлимнинг қабул комиссияси.

ГАЗЕТА ва журналларга

1963 ЙИЛНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИ УЧУН

янги обуна қабул қилинади

ВА ДАВОМ ЭТТИРИЛАДИ.

Обуна «Союзпечать» Тошкент шаҳар бўлимида, алоқа бўлимларида ва Тошкент почтамтида, шунингдек завод, фабрика, муассаса ва ўқув юртларидаги жамоатчи обуна тарқатувчилар томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт.

ГРАЖДАНЛАР!

Қариндош, дўст ва танишларингизни 1 Май байрами билан табрикламоқчи бўлсангиз,

МАХСУС ПОЧТА ОТКРИТКАЛАРИ ВА КОНВЕРТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

Табрик телеграммаларини барвақт беринг.

Алоқа бўлимларида

16 апрелдан 20 апрелгача муддатда

ТАБРИК ТЕЛЕГРАММАЛАРИ

ВА ФОТОТЕЛЕГРАММАЛАР

имтиёзли тариф юзасидан, ЯЪНИ ОДАТДАГИДАН ИККИ БАРАВАР АРЗОН ҲАҚ БИЛАН

қабул қилинади

Етказиш куни кўрсатилган табрик телеграммалари 27 апрелгача қабул қилинади.

Байрам олди кунлари телеграфнинг иши кўпайганлиги сабабли, 27 апрелдан кейин берилган табрик телеграммаларининг ўз вақтида етказилиши таъминланмайди.

Маҳаллий табрик телеграммалари исталган кунда қабул қилина беради.

Табрик хатлари, открыткалар ва совғали посилкаларни барвақт авиапочта билан жўнатиш маъқул, лекин сўнгги байрам олди кунларига қолдирмаслик керак. Табрик телеграммалари, хат, открытка ва совғали посилкалар ўз вақтида юборилса, алоқа ходимлари ҳам уларни ўз вақтида етказиб бериш имконига эга бўлади.

УЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИ.

Ўрта Чирчиқ район Авангард қишлоқ, Мир проспекти, 4-уйда турувчи **Баҳодир Абдураҳмоновнинг** Тошкент шаҳар Армавир кўчаси, 7-уйда турувчи Зироат Абдураҳмоновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район халқ судида кўрилади.

Есенин кўчаси, 13-уйда турувчи **Тамара Ивановна Данилованинг** шу уйда турувчи Василий Степанович Даниловдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Кожевников кўчаси, 2-уйда турувчи **Людмила Ивановна Минасян (Зибер)нинг** Железноводск кўчаси, 43-уйда турувчи Михаил Петрович Минасяндан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район халқ судида кўрилади.

ТОШКЕНТ ВИНО ЗАВОДИГА

4,5-разрядли **электромонтёрлар**

керак

Куйбишев кўчаси, 45-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Вакцина ва сиворотка илмий текшириш институти дирекцияси, партия ва касаба союз ташкилотлари институтнинг бактерия препаратлари ишлаб чиқарувчи корхонаси директори

Асадулла Бобоевич ИНОГОМОВНИНГ

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, 26-УЙ.

КОММУТАТОР — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258. Редакция телефонлари: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914. 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари — 27283. Партия турмуши — 33469, 27221. Пропаганда — 31226. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат—32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34461. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация—34524. Стенографистка—27343. Эълонлар — 28142.

Редактор ўринбосари А. ИСМОИЛОВ

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р 06306 Индекс 64543. Нашр. № 84.